Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 156 (7897). ◆ 21 август, 1982 йил ◆ ШАНБА ◆ Баҳоси 3 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ Т-7» ПАРВОЗДА

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1982 йил 19 август Москва вақти билан соат 21 дан 12 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-7» космик кемаси учирилди.

Космик кемани командир — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси полковник Леонид Иванович Попов, бортинженер техника фанлари кандидати Александр Александрович Серебров ҳамда тадқиқотчи космонавт Светлана Евгеньевна Савицкаядан иборат экипаж бошқармоқда.

Учиш программаси «Союз Т-7» кемасини «Салют-7» — «Союз Т-5» орбитал комплекси билан туташтиришни кўзда тутади. Кема экипажи — Попов, Серебров ва Савицкая ўртоқлар 1982 йилнинг 14 майидан бери комплекс ичида ишлаб келаётган космонавтлар Березовой ва Лебедев билан биргаликда илмий-техник ва медицина-биологик тадқиқот ва экспериментлар программасини бажаришлари лозим.

Орбитадан қилинган докладлар ва медицина назорати маълумотларига кўра, Леонид Попов, Александр Серебров ва Светлана Савицкая орбитага чиқиш ва вазнсизлик ҳолатига ўтиш участкасини нормал ўтказганлар ва ўзларини яхши ҳис қилаяптилар.

Космик кема экипажи белгиланган программани бажаришга киришди.

ЭКИПАЖ СОСТАВИДА КОСМОНАВТ АЁЛ



СУРАТДА: (чапдан ўнгга) «Союз Т-7» космик кемасининг экипажи: кема командири, СССР космонавт-учувчиси икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Л. И. Попов, тадқиқотчи-космонавт С. Е. Савицкая ва бортинженер А. А. Серебров. (ТАСС фотоси).

Леонид Иванович ПОПОВ

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Леонид Иванович Попов 1945 йил 31 августда Кировоград областининг Александрия шаҳрида туғилган.

1968 йил Ленин комсомоли номидаги Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини битирганидан сўнг ҳарбий ҳаво кучларида қирувчи-учувчи бўлиб хизмат қилган.

Л. И. Попов — 1971 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1976 йил космонавтлар тайёрлаш марказидаги ишидан ажралмаган ҳолда Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академиясини битирган.

Л. И. Попов космоса икки марта учган. У 185 кун давом қилган биринчи учишни 1980 йил «Салют-6» станциясидаги асосий экспедициянинг командири сифатида бажарган. Л. И. Попов 1981 йилнинг май ойидаги иккинчи учишда Совет-Руминия халқаро экипажининг командири бўлганди.

Александр Александрович СЕРЕБРОВ

Александр Александрович Серебров 1944 йил 15 февралда Москвада туғилган.

У 1967 йилда Москва физика-техника институтини битирган сўнгра шу институтнинг кафедраларидан бирида тўққиз йил мобайнида илмий иш билан шуғулланган.

1976 йилдан техника фанлари кандидати А. А. Серебров конструкторлик бюросида ишлайди. У мураккаб инженерлик ва илмий вазифаларни мустақил ҳал этишга қодир, техника жиҳатидан саводли ва ташаббускор ходим эканлигини кўрсатди. Космик аппаратларни ишлаб чиқиш ва уларни синашда қатнашди.

А. А. Серебров 1976 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Александр Александрович Серебров «Союз-Т» кемаси ва «Салют» орбитал станциясида учишга тайёргарлик тўла курсини битирган.

Светлана Евгеньевна САВИЦКАЯ

Светлана Евгеньевна Савицкая 1948 йил 8 августда Москвада туғилган.

Мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ авиация спорти турлари билан шуғулланган. СССР ДОСААФи Марказий учувчилик техника мактабини ҳамда Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтини битирганидан сўнг инструктор-учувчи бўлиб ишлаган. С. Е. Савицкая 1976 йилдан синовчи — учувчидар мактабидаги таълим курсини битиргач, синовчилик иши билан шуғулланади. У йигирма хилдан кўп самолётларни ўзлаштирган, 1500 соат учган ва «Иккинчи класс синовчи-учувчи» малакасига эга. «Салют» станцияси ва «Союз-Т» кемасида тадқиқотчи-космонавт сифатида учишга тайёргарлигининг тўла курсини битирди.

С. Е. Савицкая — СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, авиацияда 18 марта жаҳон рекордига эришди. 1970 йилда олий пилотаж юзасидан жаҳоннинг мутлақ чемпиони бўлди.

Светлана Евгеньевна Савицкая — 1975 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси аъзоси. У ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзосидир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон деҳқонлари пахта ҳосилини машинада теришга тайёрлаш учун пахтазорларни ҳосили стилган далаларни дефолиация қилиш бошланди. Бу муҳим агротехника тадбири ғўза баргларининг тўкилишини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга кўсакларнинг пишиб етилишини 10—15 кун тезлаштиради, юқори сифатли тола чиқишини кўпайтиради.

Тошкент область Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида Облоқул Ҳамроев бригадасининг пахтазори эрталабдан гавжум бўлди. Хўжалик мутахассислари ғўзанинг ҳолатини яна бир бор синчиклаб кўздан кечиргач, дефолиация бошлашга команда бердилар.

Шу заҳотиёқ механизаторлар Абдураҳмон Шоқадамов ва Пўлат Муродовлар ўз тракторларини далага тушириб ғўзага дори пуркай бошладилар. Шундан аввал улар дефолиант дорилар ғўза баргларига бир текис сочилиши учун агрегатларни пухта созлаб олган эдилар. Дастлабки дақиқаларданоқ юксак суръат билан ишлана бошланди. Механизаторлар ҳар куни дефолиация ишларида смена нормаларини ошириб бажаришга, бригаданинг ўн биринчи беш йиллик иккинчи йили учун гектар бошига 45 центнер, яъни бултургидан 2,5 центнер кўп «оқ олтин», олиш юзасидан қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришга ҳисса қўшишга қарор бердилар.

Дефолиация ишларида ғўзага ерда туриб дори сепиш воситаларидан тобора кенг фойдаланиш янги мавсумнинг ўзига хос белгиси бўлади. Чунончи, Тошкент области пахтакорлари ихтиёрига бу йил уч юзтадан кўпроқ пуркагич, шу жумладан ҳар куни 20 гектар — одатдагидан икки баравар кўп пахтазорни дорилаш имконини берадиган кенг қамровли агрегатлар топширилди. Ерда туриб дорилаш усули ишларнинг — ҳар бир конкрет далани ҳолатига қараб табақалаштириб ўтказишга йўл очади, такрорий дорилашни камайтириш ҳисобига дефолиация чиқимларини қисқартириш имкониятини беради.

Илғор хўжаликларнинг механизаторлари сувчилар билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда ишлаб, дефолиацияни тупроқ намлиги энг мақбул бўлган шароитда ўтказишга интилмоқдалар, мана шундай шароитда ғўзаларга химиявий дорилар жуда яхши таъсир қилади.

Республика пахтакорлари олдида турган мақсад — дефолиацияни энг яхши агротехника муддатларида ўтказиб олишдан иборат. Бу эса ҳосилни совуқ тушгунча йиғиб-териб олиш, юқори сифатли пахта тайёрлаш имконини беради.

Тошкент областининг хўжаликлари билан бир қаторда республиканинг бошқа областларидаги бир қанча районларининг пахтакорлари ҳам дефолиациялашга киришдилар.

(ЎзТАГ).

ЎРИМ ҚИЗҒИН

«СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» — шиори остида ўтаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб меҳнат қилаётган Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз меҳнаткашлари барча соҳаларда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Сўнгги йилларда хўжаликда чорвачилик ҳам жадал суръатда ривожланиб бораётир. Давлатга гўшт, сут ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш кескин ортмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида тасдиқланган Озиқ-овқат программасига муносиб ҳисса қўшиш учун қурашаётган чорвадорлар бу йил 1250 тонна сут, 110 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олишган.

Айни кунларда колхоз далаларида чорвачиликнинг асоси бўлган ем-хашак жамғаришга катта аҳамият берилмоқда.

— Озуқа бўлса, гўшт ҳам, сут ҳам бўлади,— дейди хўжаликнинг илғор комбайнчи — механизатори А. Ахтямов. — Ҳозиргача 120 гектарнинг ҳар гектаридан 600 центнердан маккажўхори кўкпоясі ўриб олинди.

Суратларда: илғор механизатор А. Ахтямов; силос ўрими пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

РЕПОРТАЖ

ҲАМ ДОН, ҲАМ ОЗУҚА

КЕНГ пайкал очилиб, атроф яққол кўзга ташланиб қолган. Механизатор Изатилла Исҳоқов ўз транспорт тракторини пайкалдан катта йўлга олиб чиққач, навбатдаги узатмага улади-да, тезликни ошириб колхоз сут-товар фермаси томон йўл олди. У бугун даладан фермага силос ташиётган 8 ҳамкасби орасида биринчи бўлиб маккажўхори экилган пайкалга етиб келди. Комбайнчилар Еқубжон Каримов, Тилов Дадажоновлар «Херсонец»ни кўздан кечираётган эканлар. Дархол комбайнга тележка уланди. Шу тариқа иш бошланиб кетди.

Зум ўтмай, бошқа транспорт тракторлари ҳам дала бошига етиб келди. Навбатма-навбат конвейер усулида дон ҳам, кўкпоя ҳам йиғиштириб олина бошланди.

Бригада бошлиғи Мўмин Хожиев ўрим-йиғимга тушилмасдан олдин механизаторларга пайкалга белгиланган жойдан кириб, айнан шу жойдан чиқиб кетишни қайта-қайта тайинлади. Комбайн ёнида юрган трактор ва тележканинг ғилдираклари ҳам экин қатор ораларида бўлиши лозим. Чунки, маккажўхори билан қўшиб экилган, эндиликда баравж ривожланаётган озуқабоп лавлагига шикаст етмасин.

Илғор бригада аъзолари бир неча йилдан бери маккажўхорига озуқабоп лавлагини қўшиб экмоқдалар. Бу билан суғориладиган ердан фойдаланиш даражаси ва унинг самарадорлиги икки баравар ортмоқда.

— 19 гектар майдондаги экиндан гектар бошига 100 центнердан дон, 700 центнердан кўкпоя ва 600 центнердан озуқабоп лавлаги олишни мўлжаллаганмиз,— дейди бригада бошлиғи М. Хожиев.— Бугунги ҳосил чўғи хирмоннинг баракали бўлишидан дарак бериб турибди.

Дарҳақиқат, бўйдор ва бақувват маккажўхори тупларида 2—3 тадан бўлиқ сўта бор. Ўрилган майдонлардаги озуқабоп лавлаги росмана қад ростлаб кўзни қувонтираётир. Бригаданинг ишчан тракторчиси Турғун Исроилов лавлагига ишлов беришни бошлаб юборган. Экин қатор оралари сифатли юмшатилмоқда.

Шундай. Бир пайкалнинг ўзида 3 хил механизм — ҳам чопиқ, ҳам транспорт тактори, ҳам ўрим комбайни юксак самара билан ишламоқда. Меҳнатнинг ана шундай оқилона ташкил этилиши биринчидан қимматли вақтни тежамоқда, иккинчидан маккажўхори дони ва силосини тезда нобуд қилмай йиғиштириб олиш имконини бераётир.

М. МИРАЛИЕВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози.

СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. УСТИНОВнинг ТАСС мухбири саволларига

ЖАВОБЛАРИ

САВОЛ: Ярим йилдан кўпроқ вақтдан бери Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар Женевада Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисида музокара олиб бормоқдалар. Шу музокара қандай давом этмоқда ва томонларнинг позициялари хусусида Сиз нима дея оласиз?

ЖАВОБ: Томонларнинг келишувига биноан бу музокара махфий тусда ўтказилмоқда ва унда қилинаётган ҳамма ишлар ва айтилаётган гапларни ошкор қилиш ишга фойда келтирмаган бўлур эди, албатта. Совет Иттифоқи бу келишувга жиддий қарайди. Бироқ афсуски, Америка томони ҳақида бундай деб бўлмайди. Яқинда музокаранинг мазмунини очиб берувчи хабарлар Ғарб жумладан Америка ва Ғарбий Германия матбуотида пайдо бўлиб қолди. Уларда Совет позициясини жуда сохталаштиришга йўл қўйилган.

Музокарадаги бизнинг позициямиз мазмунига жамоатчилик жуда қизиқиб қараётганининг сабабини тушунаман. Совет Иттифоқи Женевада ўртага қўйган таклифларда ядро қуролини Шимолий муз океанидан тортиб Африкагача, Атлантиканинг ўрталаридан тортиб Урал тоғларигача қисқартириш ва чеклашнинг кенг Европа зонасини вужудга келтиришни кўзда тутади. Бу зонада ўртача олисликка учадиган мавжуд ядро қуролларини қисқартириш таклиф этилади (1000 километр ва ундан ортиқ масофага учадиган ядро қуроллари шу жумлага киради, аммо қитъаларааро ядро қуроллари бу жумлага кирмайди). Шу тариқа аҳдлашувдан кейин беш йил ўтгач СССР ва НАТО томонида шу классдаги қуроллардан кўпи билан 300 таси қоладиган бўлиши керак. Ўртача олисликка учадиган ядровий воситаларнинг ҳамма турлари — ракеталар ҳам, самолётлар ҳам қисқартирилиши лозим бўлур эди. Зонада янги типдаги ядро қуролларини, шу жумладан, албатта, Американинг «Першинг-2» ракеталарини ҳам, шунингдек қанотли ракеталарни ҳам жойлаштириш тақиқланган бўлур эди.

Совет таклифларида бошқа мамлакатлар учун бирон бир мажбуриятлар кўзда тутилмайди. Бироқ, ўртача олисликка учадиган 300 та қуролнинг жами миқдорида Американинг ракеталари билан бир қаторда Англия ва Франциянинг ракеталари ҳамда самолётлари ҳам ҳисобга олинади. Бу воситалар НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг ўртача олисликка учадиган ядро қуроллари таркибига кириши фактини Совет Иттифоқи эътиборга олмаслиги мумкин эмас. Бу воситалар СССРни ва унинг иттифоқчиларини нишонга олиб турибди.

Бизнинг таклифларимиз Европада 1000 километрдан камроқ олисликка учадиган ядро қуролларни чеклашга доир кўмакдош тадбирларни ҳам амалга оширишни назарда тутади. Кўп сонли қуролларни бундай чеклаш Европадаги ҳамма давлатларнинг манфаатларига мувофиқ келиши шубҳасиз. Биз ўртача олисликка учадиган Европа зонасидан ташқаридаги ядро қуролларини қисқартириш ва чеклаш шундай йўлга қўйилсинки, томонларнинг бундай қуроллари иккинчи томоннинг мазкур зонадаги объектларига етиб кела олмайдиган бўлсин, деган таклифни ҳам ўртага қўйдик

АҚШнинг позициясига келганда, у ҳамон машъум «нул қарори»га, яъни Совет Иттифоқининг ердаги базаларида жойлаштирилган ўртача олисликка учувчи ҳамма ракеталарни батамом туғатиш таклифига ёпишиб олган. Музокара бошланишидан аввалоқ ўртага қўйилган бу таклиф аҳдлашувни барбод қилишни очиқдан-очиқ кўзлайди. АҚШ на ўзининг, на иттифоқчиларининг ўртача олисликка учадиган ядровий воситаларидан бирортасини қисқартирмоқчи эмас. У ҳатто бу воситаларни кўпайтиришга интилмоқда. Айни вақтда АҚШ Совет Иттифоқидан 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери мавжуд бўлган ердаги базаларда жойлаштирилган ракеталарни бир ёқлама тартибда туғатишни талаб қилмоқда. Бу ракеталар Европада аллақачон вужудга келган ва қарор топган кучлар балансининг бир қисмидир.

Совет Иттифоқи америкаликлар талаб қилаётганидек ўртача олисликка учадиган ўз ядровий қуролларини бир ёқлама қисқартиришга рози бўлмайди — бу гап жуда юқори даражада айтилди. Шу билан бирга Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуролларини ва умуман стратегик қуролларни чеклаш хусусида АҚШ билан бошланган музокаранинг муваффақиятли бўлиб чиқиши учун зўр бериб куч-ғайрат сарфламоқда. Бизнинг таклифларимиз қурол-яроғларни анчагина қисқартиришнинг имкониятини очади. Совет Иттифоқи Европани ҳам ўртача олисликка учадиган, ҳам тактик ядро қуролидан ҳалос этишга ўзининг тайёр эканини ҳам тасдиқлайди.

САВОЛ: Кейинги вақтда Ғарбда гўё АҚШ стратегик қуроллар соҳасида Совет Иттифоқидан «орқада қолди» деган даъволар юқори лавозимдаги кишилар томонидан тез-тез такрорланмоқда. Шу хусусда нима деса бўлади?

ЖАВОБ: Бу — масаланинг моҳиятини қасддан бузиб кўрсатишдир. СССРнинг «ядровий устунлиги» тўғрисидаги даъволар билан одамларни чалғитишга уринмоқдалар.

АҚШда ядро қуроли пайдо бўлган пайтдан бошлаб Совет Иттифоқи ўзининг мудофаа қобилияти ва иттифоқчиларининг хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ядро қуролларининг ва уни элтувчи воситаларнинг тобора янгиянги турларини ўз қуроллари қаторига қўшиб турган Қўшма Штатларнинг ва НАТОнинг ҳаракатларига жавоб беришгагина мажбур бўлганлиги ҳаммага маълум. СССР билан АҚШ ўртасида, Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО ўртасида кучларнинг вужудга келган тахминий тенглиги ҳозирги кунда стратегик ва бошқа ядровий қуроллар соҳасида ҳам, шунингдек оддий кучлар соҳасида ҳам мавжуд бўлиб турибди. Тахминий мувозанатнинг мавжудлигини Ғарбнинг кўпгина сиёсий ва ҳарбий арбоблари, айниқса масаланинг моҳиятини яхши биладиган арбоблар неча марталаб тан олганлар. Тегишли Совет-Америка битимларида ҳам кучларнинг баланси мавжудлиги факти ифодаланган. Ҳақиқатда АҚШнинг ядро қуроли соҳасида ҳеч қандай «орқада қолгани» йўқлигини биз яна бир карра таъкидлаймиз. Тахминий тенгликни «АҚШнинг орқада қолиши» деб кўрсатишга уринаётган кимсалар фақат бир мақсадни — ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган ядро қуроллари пойгасини ниқоблаш мақсадини кўзлаб шундай қилмоқда.

Хўш, ҳақиқатда нималар содир бўлмоқда? АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергеринг баёноти жуда ғалатидир. У 9 август куни Америка журналистлари билан суҳбатда Пентагоннинг ҳамма тадбирлари ядро урушида СССРдан устунликка эришишга ва бу урушни АҚШ учун манфаатли шароитларда тугаллашга қаратилган, деб очиқдан-очиқ айтди. Унинг гапига қараганда, АҚШнинг ядровий имкониятлари «уруш олиб боришнинг ҳамма босқичларида Совет Иттифоқининг ана шундай кўрсаткичларидан устун бўлиши керак» эмиш.

Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка эришиш йўлини принцип жиҳатдан рад этади. У бундай устунликка интилмайди, аммо бошқа ҳеч кимнинг ҳам шундай қилиш ҳуқуқини тан олмайди. Социализм мамлакатлари билан капитализм дунёси ўртасида эришилган ҳарбий-стратегик мувозанат агрессив кучларнинг муддаоларини тийиб турувчи омил бўлиб хизмат қилади. СССРнинг ядровий қуролсизланишга амалий ёндошуви — қурол-яроғларнинг имкони борича паст даражасидаги ҳарбий мувозанатга эришишдан иборат.

Ядро қуроллари аслаҳаҳоналарини ўзаро кўпайтирмаслик ядро қуроллари пойгасини тўхтатиш ишида муҳим биринчи қадам бўлган бўлур эди. Шундай қилиш ядровий воситаларни кўпайтиришга имкон бермаган бўлур эди, ядро қуролларини қисқартириш ва чеклашга доир самарали қарорлар тезроқ қабул этилиши учун қулай шарт-шароит яратган бўлур эди. Бундай қилиш давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ва вазиятнинг барқарор бўлишига олиб борган бўлур эди.

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ў С Т А

УНИНГ тақдири билан тасодифан в... тезда ёдан кўтарилмайдиган бир тарзда танишганман.

Икки йилча муқаддам Сирожиддин қўлида икки букланган бир кўк дафтарни кўтариб хонага кириб келди. У ишчи матбуотида қатнашиб турарди, унга ижод-илҳом қийноқлари ҳам бегона эмасди. Бу сафар на мақола, на ҳикоя, ярим дафтар таржимаи ҳол келтирибди. У партия сафига киришга ахд қилганини айтди, қутладим. Бошланғич партия ташкилотига керакли ҳужжатларини топширибди. Лекин таржимаи ҳолдан кўнгли тўлмаётган экан. Ҳар ишни кўп ўйлаб, кейин қиладиган эътиқоди кучли бу одам ҳаяжонда эди. Таржимаи ҳол «Мени тақдир эркалаган эмас» деб бошланган...

...Сирожиддин бегона отанинг кўз ўнгида муштипар онанинг ёлғиз фарзанди бўлиб ўсди. Уруш, урушдан кейинги йиллар. Бусиз ҳам замона енгил эмас, аммо... Бу бағритошлик унинг юрагида чуқур из қолдирди. «Худди темир плуг билан ағдариб ўтгандай ҳали-ҳали шу ерим билқиллаб турадиг» деб эслайди у. Мен «шу нарсалар ҳақида ёзиш шартмикан, ҳар ҳолда ўтган ишга саловат, дейдилар» дедим иккиланиб. У рози бўлмади. «Албатта, замон бошқа ҳозир, тўқинчилик-серобчилик. Лекин нўқолган меҳрнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди»...

Дафтардаги гапларнинг ҳаммаси меҳнатга бағишланган эди. Халқимизда «Бир йигит қирқ йилда дунёга келади» дейишади. Сирожиддиннинг ёши қирқда эди, йигирма йил аввал чиқиб кетган юртига элга танилди ишчи бўлиб қайтди. Кеч бўлса ҳам, онаси ўтган ҳовлига данғиллама иморат солди; юртни чорлаб дошқозонда ош тарқатди. Элга қайтишнинг халқда шарти қандай бўлса, барини бажо келтирди. Элга қуллуқ қилиб, ўзича деди: «нимага эришган бўлсам — меҳнатдан, нимаики топган бўлсам — меҳнатдан».

Биз таржимаи ҳолни рисолага тушириб топширдик. Сирожиддиннинг ишга меҳри қаттиқ. Ўзи шундай ҳикоя қилади:

— Биламан, баъзи одамлар, «Пўлатовга осон, Пўлатов бўғиздан олади», дейишади. Йўқ, мен улардан гина қилаётганим йўқ, фақат бунақа одамларни яхши тушунмайман. Уйингда бола-чақанги, хотининги олдида «ишга» деб чиқиб келасан, хўш, бир ойдан кейин нима деб кириб борасан. Бизнинг ишхонада тартиб йўқ, тартиб бўлса мен яхши ҳақ олар эдим, деб ўзингни оқ кўрсатасанми? Албатта, ишхонада тишга тегадиган ҳархил иқир-чиқирлар қанчалик кам бўлса шунча яхши. Бунга ким қарши? Лекин аҳвол шу экан деб қўлни қовуштириб ўтириш ҳам яхши эмас-да. Бу ишда бригада методи жуда кўл келар экан».

У совиб қолган чойни бир хўплаб, дастрўмолини олиб юзига оқиб тушаётган терни артишга тутинди. Биз цех бошлиғининг тўғрина хонасида ўтирибмиз. Деворда бригадаларнинг иш натижалари қайд этилган стендлар, кўргазмалар. Битта технологик режим ва ускуналарда ишлайдиган участкаларнинг иш натижалари орасида эса тафовут катта. Шундай муқояса қилайлик, гўё йил бошидан ҳамма баробар стартга чиққану бир киши дарҳол равон йўлакка тушиб олган, бошқаларнинг пойга йўли эса пасту-баланд жойлардан ўтаяпти. Улар Сирожиддиндан ўтиб кетган ойлар йўқ эмас, лекин планга чиқмаган ойлар ҳам бор. Натижада пировард кўрсаткичлардаги тафовут... ўн икки процентга етди. Бу ишнинг сири характерда эмасмикин?

У бригада методини мақтаб тилга олди. Ёдимга унинг бу ишга бош қўшмаган кунлари тушди. «Қўлқарига пишган от ҳам тушади, пишмагани ҳам. Биз ҳали пишганимиз йўқ» деб таклифларни қайтарди. Бир йил кеч бошлади. Аммо, янги усулда иш бошлагандан уч ойгина ўтиб, биринчи ўринга чиқиб олди.

Цех партия ташкилотининг секретари М. Попрацкий ҳикоя қилади:

— Янги усулда энди иш бошлаган кезларимиз. Илгари алоҳида-алоҳида ишлаган тўрт мастер ёрдамчиси битта бригадага бирлашганмиз. Баъзан аввалги тартибдаги эркинликнинг ҳумори тутиб, кимдир ўзига сал эрк берарди. Ёш бўлса осон, тартибга чақирамиз. Тенгдош бўлса сал қийин: одамнинг юзи иссиқ, андишага борамиз. Ниҳоят ойни якунлаб, бригада совети меҳнат иштироки коэффициенти тақсимотига йиғилди. Йиғилиш силлиқкина кетаётган эди. Сирожиддин сўз олиб, мастер ёрдамчиларидан бирининг коэффициентини пасайтиришни талаб қилди. Шу баҳона билан ҳаммамиз яна бир марта қаттиқ гаплашиб олдик.

— Ҳалиги одам ҳафа бўлмадими? (мастер ёрдамчиси ҳозир коллективда ишлаётгани учун фамилиясини келтирмадим).

— Ҳафа бўлди; албатта. Ҳатто бир неча кунгача биз билан ошхонада бирга ўтирмади. Йўқ, кейин хатосини ўзи тушунди шекилли, яна даврага қўшилди. Аммо ишга муносабати буткул ўзгарди. Бу воқеа битта яхши сабоқ бўлди. Ўзимизнинг ҳам коэффициентга муносабатимиз ўзгарди.

Биз бригада советининг протоколларини ўқидик. Ҳозирча С. Пўлатовнинг коэффициенти ҳамманикидан — бригадир М. Попрацкийникидан ҳам юқори: 1, 6! Коэффициентни белгилашда кўп омиллар ҳисобга олинади, деди бригадир. Тушунарли. Умуман, иккинчи цех — таниқли участка. Бу ерда кўп ажойиб ишчилар меҳнат қилади.

Кейинги йилларда комбинатда кўп ўзгаришлар бўлди. Биринчи навбатда, цехларнинг асосий қисми янги техника билан жиҳозланди. Бу ишнинг қўлами кенг: техника тараққиётига беш йилликда 25 миллион сўм маблағ сарфланди. Энг муҳим участкаларда реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Комбинат ўз тарихиянг эллик йиллигига иқтисодий янгиланган, қуввата тўла шароитда қадам қўймоқда. Лекин шундай қарор қабул қилинган: биринчи фабрика реконструкция қилинмайди. Келгуси беш йилликда бузиб, ўрнида янги корпус қад кўтаради. Бу якин келажакда бўладиган иш, ҳозир эса фабрика давлат планига ишламоқда. Эскирган ускуналар ёш ишчиларни ўзига жалб қилмади. Чунки, булар техниканинг кечаги куни. Қўшни фабрикада зангори АТПР станоклари ишлаб турибди. Кўркам ва унумдор.

Кўпстанокчилик ҳаракати биринчи фабрикада туғилгани бежиз эмас. Бу ерда кўпстанокчиларнинг катта отряди меҳнат қилади, Сирожиддин уларнинг пешқадами. Бундан икки йилгина аввал кўпстанокчилик — тўқувчиларнинг иши эди. Мастер ёрдамчиси С. Пўлатов янги ҳаракатнинг афзалликлари нимада?

— Тўқимачилар олдига ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш вазифаси қўйилгани бежиз эмас,— дейди фабрика мудири А. Нурматов.— Албатта, кадрлар проблемаси бор нарса, лекин мавжуд ишчи кучи билан ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари бор. Ишни асбоб қилади, эгаси лоф уради, дейишади. Сирожиддиннинг техникаси яхши созланган, мунтазам қаровли ускуналарда ёш тўқувчилар ҳам юқори натижаларни қўлга киритиши мумкинлигини исбот қиляпти. Бу тажриба бизга жуда муҳим проблема —кадрлар қўнимсизлигини ижобий ҳал этишга ёрдам беради.

Ташаббускор мастер ёрдамчиси беш йиллик бошидан бўён 2.301.700 метр хом сурп топширди. Шунча маҳсулот 96 станокдан олинган.

Биринчи фабрикага кираверишда деворда мемориал лавҳага кўзингиз тушади. Унга «Бу ерда 1932 йил 6 майда Ўзбекистон МИК Раиси Йўлдош Охунбобоев қорхона пойдеворига биринчи гиштни қўйди» деган сўзлар битилган. Лавҳа яқинда, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинати пойдеворига биринчи гишт қўйилганлигининг ярим асрлик тантанаси нишонланган кунда пайдо бўлди. Тантанада биринчи қурувчилар, биринчи тўқувчилар ҳозир бўлдилар. Авлодлар учрашувида халқ оқсоқолининг биринчи митингда айтган башоратли сўзлари тилга олинди: «Шу тақир, ташландиқ жойда большевиклар иродаси билан тўқимачилик гиганти қад кўтаради». Бу оташин чақириқ ҳамон кун тартибида турибди. Корхона шуҳратини тиклаш учун комбинат коммунистларининг янги авлоди кураш бошлаган. Улар орасида — Сирожиддин. Сирожиддиннинг дўстлари ҳурмат билан «уста» деб чақиришади. Менимча, унга нисбатан бу сўз дўстлари тушунчасидаги «станокларнинг моҳир устаси» дегандан кўра кенгроқ тушунча касб этади: Сирожиддин фақат дастгоҳларнинг эмас, ўз ишининг устаси.

...Қўш тавақали сирланган оғир эшик ғийқиллаб очилиб, ичкаридан илиқ бўғиқ ҳаво аралаш гувиллаган сурон «гуп» этиб ўзини ташқарига урди. Кўҳна ва салобатли дастгоҳлар орасида қора сочларини нопармон дурра билан танғиган ёш-ёш тўқувчилар ҳаракат қиладилар. Шовқиннинг ўзи-моки отиб ташлайдиган дастгоҳлардан ўралиб оппоқ сурп оқмоқда. «Кўн келиб бу ерда янги муҳташам корпус қад кўтаради, кўклам қирларини эслатадиган яшил рангли янги станоклар жой олади, иш жойларида тўқимачиларнинг янги авлоди меҳнат қилади, лекин бугун ишлаётганларнинг матонати, номи нақл бўлиб қолади» деб ҳаёл қиламан. Мен уларнинг баъзиларини, Сирожиддин Пўлатов кабиларни танигаиимдан фахрланаман...

Наримон ТУРСУНОВ,
«Тўқимачилар овози» газетасининг редактори.

Суратда: Сирожиддин Пўлатов.

ОЧЕРК

МЕҲНАТ КИШИСИГА ҒАМХЎРЛИК ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

ҚАЕРДА меҳнаткашларга чуқур ғамхўрлик кўрсатилиб, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётган бўлса, ўша ерда иш завқли ва унумли бўлади. Бу ҳаётий ҳақиқат КПСС XXVI съездида алоҳида таъкидланди ва ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратилган маблағларнинг фақат шу соҳага сарфланиши устида қатъий назорат ўрнатилиши лозимлиги жиддий уқтирилди. Кишиларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари ҳақида гап борар экан, ҳарбир партия ташкилоти қатъий принципиаллик кўрсатиши, ҳар бир коллективда одамларга нисбатан ҳурмат ва ғамхўрлик муносабатларини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик руҳини қарор топтириши лозим.

Ҳозирги кунда бутун республикада бўлганидек, бизнинг областимиз пахтакорлари олдида ҳам юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишдек, масъулиятли ва шу билан бирга шарафли вазифалар турибди. Пахтакорларимизнинг бутун фикри-зикри, ғайрат-шижоати ўз вазифаларини ёруғ юз билан бажаришга, «оқ олтин»дан юқори ҳосил олиб, она Ватанни қувонтиришга, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми белгилаб берган Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга қаратилгандир.

Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларидаги айрим хўжаликларнинг дала шийпонлари пахта йиғим-терими мавсумига қандай тайёрланган? Бу ерда меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун қандай шароитлар яратилган? Иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилганми? Дала шийпонларини деҳқонларнинг иккинчи уйига айлантириш учун нималар тўсқинлик қилаётир?

Биз рейд давомида шу каби бир қатор масалалар билан қизиқдик.

— Мавжуд 123 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида дала шийпонлари бор, — деб ҳикоя қилади Янгийўл район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири А. Абдуллаев. — Шундан 93 та шийпон — типовой. Биз уларни жиҳозлашда калининликлар тажрибасидан кенг фойдаланганмиз. Бригадалараро социалистик мусобақалар натижалари қайд этиб бориладиган махсус варақаларни деярли ҳар бир дала шийпонида кўришингиз мумкин. Шахсий мусобақаларнинг натижалари ҳам ҳар куни ёзиб борилади ва кўринарли ерга осиб қўйилади. Бундан ташқари кунлик меҳнат беллашувида пешқадамлик қилган уч илғор кишининг кўрсаткичлари ҳам дала шийпонидаги кўрсаткичлар тахтасига осилади. Қолоқларнинг рўйхати ҳам ёнма-ён қўйилади.

Район партия комитетининг ташаббуси билан «Коммунизм» колхозидаги Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ислом Икромов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси, «Ленинизм» колхозидаги Фароғат Абдураҳмонова бошлиқ бригада коллективларининг фаолиятига бағишланган плакатлар чиқарилган. Уларда ана шу илғор бригадаларнинг юбилей йилида ҳар гектар майдондан 50 центнер ва ундан ҳам ошириб хирмон кўтариш учун олиб бораётган кураши ҳақида ҳикоя қилинади.

Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб районда агитпоезд фаолият кўрсата бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, агитпоезд составига агитколлектив, концерт группаси ва кўчма кутубхоналар билан бирга тез медицина ёрдами ва автолавкалар ҳам киритилган. Агитпоезд ишини район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими назорат қилиб бормоқда.

Район партия комитетидан олинган маълумотларга қараганда йиғим-терим даврида 50 та сотувчисиз дўкон, 6 та автомагазин, 128 та кўчма кутубхона фаолият кўрсатади. Автомагазинлар учун машиналарнинг номерлари ва қайси хўжаликлар қачон бориши қайд этилган маршрут графиклари тузиб қўйилган.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши яхши, албатта. Аммо, ҳозирги аҳвол қандай?

Биз «Интернационал» колхозининг коммунист Ф. Ойдинов раҳбарлик қилаётган 8-бригадаси дала шийпонидамиз. Бу коллектив юбилей йилида ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил олишга сўз берган. Дала шийпонидаги кўргазмали агитация воситалари ҳам шу ҳақда ҳикоя қилади. Бироқ, биз дала шийпонини айланганимизда кўпгина нуқсон ва камчиликлар борлиги маълум бўлди. Бригада аъзоларининг шахсий меҳнат беллашуви натижалари анча кечикиб эълон қилинади. Дала шийпонидаги ишлар қайд қилинадиган дафтарда (афсуски, у очиқ деворга мих билан қоқиб қўйилибди) фақат биргина ёзувни ўқидик. Бригада агитатори М. Ниёзов дафтарга «Озиқ-овқат программаси ҳақида суҳбат ўтказдим» деб ёзиб қўйибди. Бу суҳбат ҳам июнь ойида ўтказилган экан. Газета-журналлар дала шийпонига бир-икки кун кечикиб келтирилади. Бунинг устига подшивка қилинмайди.

Шунингдек, деҳқонлар катта ҳовуздаги сувнинг ўз вақтида алмаштириб турилмаслиги, оқибатда сув айниб, нохуш ҳид таратишидан ҳам нолиб гапирдилар.

С. Ниёзов бошлиқ 7-бригада аъзолари учун ҳам қулай дам олиш шароити яратиб берилмаган. Дала шийпонида телевизор йўқ, кутубхонача ташкил этилмаган. Ишлаб турган холодильник ичида... шахматдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Кўрсаткичлар тахтасидан мусобақа якунларини, жанговар варақа ёки деворий газеталарни ахтариш бефойда.

— Бригада агитатори ким? — деб сўраймиз шийпондагилардан.

— Қиз бола бўлса керак, — тахминан жавоб беради сўвчи М. Муродов.

Кейинги пайтларда «Северний маяк» колхози дала шийпонларида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Биз хўжаликнинг 1-, 7- ва 10-бригадалари дала шийпонларида бўлиб яхши таассуротлар билан қайтдик.

«Ленин йўли» колхози ҳақида эса бундай дея олмаймиз. Тўғри, бу колхоз пахтачилик ва чорвачилик соҳасида районнинг машъал хўжаликларидан. Чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича социалистик мажбуриятлар мунтазам ошириб бажарилади. Аммо дала шийпонларида мавжуд бўлган нуқсонлардан кўз юмиб бўлмайди.

Масалан, 5-бригада дала шийпонига келишингиз билан бахри дилингиз очиладн. Баланд дарахтлар қуюқ соя ташлаб турибди. Ариқларда шарқираб сув оқяпти. Атрофда тахта сўрилар. Кўрпачалар тўшаб қўйилган. Аммо, маданий дам олиш учун баъзан нуқсонлар тўсқинлик қилади. Жумладан, шийпондаги радио ва телевизор ишламайди. Газета ва журналларнинг янги сонлари ўз вақтида етказиб берилмайди. Кўргазмали агитация воситалари эскириб қолган. Хоналар озода эмас.

Колхознинг Ж. Чеҳалидзе бошлиқ 3-бригадасида ҳам шундай аҳволга дуч келдик. 2-бригада дала шийпонида эса (бригада бошлиғи К. Раҳмқулов) тушлик пайтида ҳеч кимни учрата олмадик. Ўчоқхона берк. Бригада аъзолари учун тушлик овқат тайёрланмаган.

Хўжаликнинг 1- ва 6-бригадалари дала шийпонлари ҳам кўнгилдагидек жиҳозланмаган. Бундай камчилик ва нуқсонлар колхоз партия ташкилотининг секретари Қ. Тўраев ва колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари А. Шаҳобиддиновларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганликлари оқибатидир.

Рейд ўтказилган куни К. Маркс номли колхознинг 4- ва 6-бригадаси дала шийпонларида ҳам қоровуллардан бошқа ҳеч кимни учратмадик. Колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари Р. Раҳмонов бу аҳволни шундай изоҳлади: «Пахтачилик бригадаларимиз аъзолари навбати билан Тошкент шаҳрига экскурсияга борадилар. Ҳар йили йиғим-терим мавсуми олдидан ана шундай маданий сайрлар уюштириш бизда анъанага айланган». Аммо, бизнингча, дон учун экилган маккажўхори ҳамда каноп ҳосилини ўриб-йиғиб олиш айни қизғин паллада кирган ҳозирги пайтда дала шийпонларининг кимсасиз ҳувиллаб туришини бундай изоҳлаш ўринли эмас.

Қуйбишев номли колхознинг дала шийпонлари ҳам ҳозирги кун талабига жавоб бера олмайди. Айниқса, 4- ва 6-бригадаларда дала шийпонларининг номи бор-у, ўзи йўқ. Чунки, колхозчилар дала шийпони деб атаётган ерда кичкинагина, усти ёпиқ чайласимон бостирмадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бу ерда колхозчиларнинг бўлмаслиги яққол сезилиб турибди.

Район хўжаликларидаги деярли ҳамма дала шийпонларига правление аъзолари ва бош мутахассислардан масъул кишилар бириктириб қўйилган. Уларнинг исм-шарифлари йирик ҳарфлар билан ёзилиб, кўринарли ерга осиб қўйилган. Бироқ бу — қуруқ расмиятчиликдан бошқа нарса эмас, Чунки, бу масъул кишилар ўзларига бириктирилган шийпонларга ойлаб мутлақо қадам босмайдилар, у ерда аҳвол қандайлиги билан қизиқмайдилар. Уларнинг аксарият кўпчилиги қайси дала шийпонига масъул эканликларини аллақачон унутиб юборганлар, десак, бизнингча муболаға бўлмайди.

Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларидаги партия комитетлари, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари қайд этилган ана шу камчилик ва нуқсонларни қисқа муддатларда бартараф этишлари, пахта йиғим-терими бошланғунга қадар дала шийпонларида колхозчиларнинг юксак унум билан ишлаб, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратишлари лозим. Меҳнат кишисига нисбатан доимо ғамхўр бўлиш, улар ҳақида қайғуриш хўжаликлар раҳбарлари ва партия ташкилотларининг доимий эътиборида бўлиши зарур.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири,

П. БОРЩЧОВ,
«Ташкентская правда»нинг махсус мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎШМА РЕЙДИ

Бизга ҳамроҳ бўлиб келган колхоз партия комитетининг секретари И. Г. Шек рўйхатларга кўз ташлаб, жавоб қайтарди:

— Қиз бола эмас, ўғил бола — Расим Мамедов.

Бириктирилган агитатор ўз вақтида суҳбат ўтказиб турмагандан кейин бригада аъзолари унинг ким эканлигини билмасликлари табиийдир, албатта.

Биз 6-бригаданинг К. Алисултонов мудирлик қилаётган дала шийпонида ҳам бир қатор нуқсонларни аниқладик. Мусобақа якунлари ўз вақтида эълон қилиб борилмайди, агитаторнинг иши кўринмайди.

Калинин номли колхоз дала шийпонидаги дафтарда қуйидаги сўзларни ўқидик: «6 август куни колхозчилар учун тушлик овқат тайёрланмаган». Сабаби нима? Бунга қандай чора кўрилди? Бу саволларимизга ҳеч ким тайинли жавоб бера олмади. Шийпонда хўжасизлик ҳукмрон эканлиги кўриниб турибди. Дам оладиган ҳоналар тартибсиз, ифлос. Умуман, дала шийпони яхши жиҳозланмаган. Кўргазмали агитация воситалари орасида КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари ва СССРнинг Озиқ-овқат программаси ҳақидаги материаллар йўқ.

Шу колхознинг биринчи бригадаси дала шийпонидаги шароит эса мутлақо ўзгача. Ҳоналарга бежирим мебеллар қўйилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари намунали сақланади. Газета ва журналларнинг янги сонлари ўз вақтида келтирилади. Мавсумий болалар боғчаси ишлаб турибди. Ҳар куни 17—20 нафар кичкинтой тажрибали тарбиячилар назоратида бўлади.

Ўрта Чирчиқ районида жами 159 та пахтачилик бригадаси мавжуд. Улардаги 157 та дала шийпонидан 153 таси — типовой. 89 та сотувчисиз дўкон, 72 та мавсумий болалар боғчаси ишлаб турибди. Деярли ҳамма дала шийпонларида телевизор, радио бор. 114 та дала шийпонига холодильниклар қўйилган.

Айниқса, Ким Пен Хва ва Ленин номли колхозларда меҳнаткашлар учун қулай иш ва дам олиш шароити яратиб берилган. Дала шийпонларидаги озодалик, саранжом-саришталик, дид билан тайёрланган кўргазмали агитация воситалари, радио ва телевизорларнинг узлуксиз ишлаб туриши, агитаторларнинг тез-тез муҳим мавзуларда суҳбатлар ўтказиши, ўз вақтида иссиқ овқатлар тайёрланиши колхозчиларда яхши кайфият уйғотиб, уларни унумли меҳнатга ундайди.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

● ТОШКЕНТДАГИ «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор мотористи К. Гладимена СССР 60 йиллиги юбилейига муносиб меҳнат совғасини ҳозирлашга ҳаракат қиляпти. Моҳир тикувчи ҳозирданоқ 1983 йил ҳисобига маҳсулот топширишга киришди.

А. Тўраев фотоси.

Г. К. ЖУКОВ номли совхоз Оҳангарон районида ташкил этилган янги хўжаликлардан бири. У сабзавот ва картошка етиштиришга ихтисослашган. Ерлардан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш туфайли қисқа вақт ичида маҳсулот етиштириш ҳажми ўн баробар ортди. Бу ютуқлар ҳақида совхоз директори Еқубжон ДАРХАНБОЕВ шундай ҳикоя қилади.

ЯНГИ ХЎЖАЛИКНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

ТЎРТ ЙИЛДА— ЎН БАРОБАР

СОВХОЗИМИЗ ерларидан дастлабки ҳосил 1978 йилда йиғиштириб олинган эди. Ўша йили эл дастурхонига минг тонна маҳсулот тортиқ қилинди. Янги хўжалик учун бу юқори кўрсаткич эди.

Йиллар ўтиши билан совхозимиз экин майдонлари кенгайиб борди. Хандам каналидан таралаётган оби-ҳаёт қақраб ётган ерларга қон ва жон бўлиб сингиди. Техника паркимиз ҳам янги машина ва механизмлар билан тўлиб борди. Экин экишдан ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган жараёнларнинг барчаси эндиликда техника зиммасига юкланган.

Бу йил биз 2107 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдамиз. Ўтган йили деҳқонларимиз 10000 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирдилар. Мўл ҳосил етиштиришдан совхоз ҳам, ишчилар ҳам манфаатдордир. Плаидан ташқари топширилган маҳсулот учун сабзавоткорларга устама ҳақ тўланмоқда.

Ўтган йили топширилган мўл ҳосил эвазига совхозимиз 2270 минг сўмлик даромад қилди. Бу кўзда тутилганидан 800 минг сўмлик кўп демакдир. Тушаётган даромаднинг каттагина қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилишига сарфланмоқда.

Бугунги кунда совхозимиз марказ кичик бир шаҳарчани эслатади. Турна қатор тизилиб кетган коттеджлар, боғча ва мактаблар, гулзор ва ҳиёбонлар кишининг баҳри дилини очади. Ишчиларнинг яйраб яшашлари ва меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ҳозир ҳам совхозимизда янги қурилишлар кўкка бўй чўзмоқда. Ҳадемай 320 ўринли мактаб, 400 ўринли ёзги кинотеатр, 4 та коттеж фойдаланишга топширилади. 400 бош қорамол учун ферма, ҳаммом, боғча қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари, СССР Озиқ-овқат программасида қўйилган вазифалар биздан бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашни, ер ва сувдан оқилона фойдаланишни, қишлоқларни социал жиҳатдан қайта ўзгартиришни талаб қилмоқда. Совхоз коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Пленум қарорлари асосида бундан бўён бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдик. Коммунистларимиз ўз зиммаларига янги ошириган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Бу йил 205 гектар ерга сабзавот, 400 гектар ерга картошка экилган. Ерларимиз янги бўлгани учун ҳам гектар бошига 120 центнердан картошка топшириш план қилиб қўйилган. Лекин ишчиларимиз имкониятларни чамалаб кўриб, ҳар гектар ердан 170 центнердан ҳосил топшириш сўз бердилар. Содиқали Раҳмонов бошлиқ бригада аъзолари эса ҳосилдорликни 200 центнерга етказишга аҳд қилишди. Бу коллектив 100 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Экилган картошка ҳозир пешма-пеш қазиб олиняпти. Алиҳон Ғулалиев бошлиқ бригада ҳам илғорлар ташаббусига қўшилиб ҳосилдорликни 200 центнерга етказиш учун курашмоқда.

Илғорлар ҳиссаси билан совхозимиз бўйича топширилаётган ҳосил миқдори кун сайин ортиб бораяпти. Шу кеча кундузда шаҳарликларга 60—70 тоннадан маҳсулот жўнатиб турибмиз. Айни пайтда кечки экинлар парвариши ҳам авжида.

Совхозимиз коллективи Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳар жиҳатдан ўз ҳиссаларини қўшишга интилмоқдалар. Сабзавоткорлар қатори чорвачилар ҳам гўшт, сут, тухум етиштиришни янада кўпайтириш чораларини кўрмоқдалар. Ўтган давр ичида гўшт ва тухум топшириш йиллик плани, сут топшириш етти ойлик плани муваффақиятли бажарилди. План бўйича совхозимизда 80 бош қорамол бўлиши керак эди, Лекин биз имкониятлардан самарали фойдаланиб, фермаларда боқилаётган қорамоллар сонини 200 бошга етказдик. Бундан ташқари қўйлар сони ҳам кўпайиб, 1100 тага етиб қолди.

Янги фермаларнинг ишга тушиши билан чорва моллари сони бундан буён яна ҳам кўпаяди. Биз гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш юзасидан беш йилликка мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиққанмиз. Шу тадбирларга биноан беш йиллик охирига бориб қорамоллар 500 бошга, шундан сигирлар 340 бошга етказилади. Совхозимиз йил сайин 60 тонна гўшт, 500 тонна сут етиштирадиган бўлади. Еття хазинанинг бири ҳисоблангган паррандачилик ҳам ривожланиб боради.

Чорвачиликни ривожлантириш бевосита унинг озуқа базасига боғлиқдир. Ҳозир совхознинг 70 гектар беданояси, 20 гектар маккажўхоризори ва бошқа озуқа экинлари экиладиган майдонлари бор. Махсус озуқа тайёрловчи бригада тузилган. Бригада аъзолари ҳозир чорва моллари учун етарли миқдорда озуқа жамғариш билан банд. Ўтган ойларда 1,5 минг тоннага яқин дағал хашак ғарамланди. Ҳар бирига 800 тонна силос кетадиган 4 та махсус хандак ҳозирланди. 500 тонна сенаж бостирилмоқда. Бу тадбирларнинг барчаси қишлоқдан моллари соғлом олиб чиқиш, барча фаслларда бир маромда гўшт ва сут етиштириш имконини беради.

Совхозимиз истиқбол сари одимламоқда. Ишлаб чиқариш ривожланган сари даромад ҳам кўпаяди, ишчиларнинг турмуш шароити яхшиланади. Буни ҳар бир киши яхши билади. Шу боисдан ҳам ишчиларимиз бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан самарали меҳнат қилишга интилмоқдалар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ДАЛАДА СЕРОБ— САВДОДА-ЧИ?»

(БИР МАҚОЛАГА ИККИ ЖАВОБ)

Юқоридаги сарлавҳали мақолада айрим сабзавотчилик хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бевосита дала ва базаларда сараланиб, сифатсиз, истеъмолга кам яроқли қисми савдо шохобчаларига жўнатилаётганлиги газетанинг 6 июль сонида эълон қилинган мақолада таҳқид қилинган эди. Шу мақола юзасидан Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ўрток Ю. Толиповдан олинган жавобда қуйидагилар айтилади:

Газетада босилган таҳқидий мақола район партия комитетининг бюро йиғилишида колхоз раислари, совхоз директорлари, партия ташкилоти секретарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари иштирокида муҳокама қилинган.

Савдо тармоқларига сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар топшираётган, ҳужжатларни расмийлаштиришда назоратни бўшаштириб юборганликлари учун Ленин номли колхоз раиси Ғ. Умаров ва Абдураҳмонов номли совхоз директори А. Одилов ўртоқлар огоҳлантирилган.

Шунингдек, мақола Ленин номли колхоз ҳамда Абдураҳмонов номли совхоз партия ташкилоти йиғилишларида ҳам муҳокама қилинган. Камчиликка йўл қўйган кишиларга нисбатан тегишли чора кўрилган. Жумладан, Ленин номли колхознинг омбор мудири Г. Бексултонов вазифасидан бўшатилди. Абдураҳмонов номли совхознинг бригада бошлиғи И. Носиров эса қаттиқ огоҳлантирилди.

Район партия комитети барча колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларига коллектив иштирокида мазкур мақолани ўрганиб чиқишни ва унда кўрсатилган камчиликларни тугатиб, далада чиққан ҳамма маҳсулотларни меҳнаткашлар дастурхонига сифатли етиб боришини таъминлаш ва тўғри расмийлаштиришни қаттиқ назорат қилиш вазифасини юклаган.

* * *

«Ташплодоовощ» улгуржи — чакана савдо бирлашмасининг бошлиғи Қ. Асомхўжаевдан олинган жавобда қуйидагилар маълум қилинади: мақола бирлашманинг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди, қатор амалий тадбирлар белгиланди. Жумладан, аҳолини сабзавот, мева ва картошка билан бир меъёрда таъминлаш анча яхшиланди. Ўтган етти ой ичида шаҳарликлар дастурхонига 40735 тонна ўрнига 47402 тонна турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

Лекин айрим сабзавоткор хўжаликларнинг айби билан 3172 тонна карам, 1389 тонна пиёз, 11 минг тоннага яқин помидор кам тайёрланди.

Айни пайтда ана шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан хўжаликлар билан маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва белгиланган муддатларда савдо шохобчаларига етказиб бериш графиги ишлаб чиқилди.

Халқаро ҳаёт

МАХСУС КОМИССИЯ ҚОРАЛАЙДИ

НИКОСИЯ, 19 август. (ТАСС). Бу ерда Исроилнинг Ливан ва Фаластин халқларига қарши жиноятларини текширувчи халқаро комиссия секретариатининг шошилинч мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда минглаб ярадорлар ва бемарларга, асосан аёллар ва болаларга энг оддий медицина ёрдами бериш имконияти йўқлиги сабабли ўлим хавфи остида қолган мана шу бечораларни омон сақлаб қолиш тўғрисида Ғарбий Байрутдан комиссия номига келган даъватнома кўриб чиқилди.

Секретариат комиссия юборгаётган бир группа врачларни медицина асбоб-ускуналари, дори-дармон, биринчи ёрдам воситалари билан бирга Ғарбий Байрутга бемалол ўтказиб юборишни таъминлашни Бегин ҳукуматидан қатъий талаб қилди.

Секретариат кўмак сўраб БМТ Бош секретарига, турли халқаро ташкилотларга мурожаат этди, улардан, жумладан, медицина ходимлари ва ташкилотларининг ўз инсонпарварлик бурчини бажаришларига тўсқинлик қилаётган Исроил ҳукуматига таъсир ўтказишни талаб қилди.

Мажлисда таниқли швед врачи И. Такман бошчилигида Исроилнинг Ливандаги агрессиясида шикастланган ярадорларни омон сақлаб қолиш юзасидан конкрет чоралар кўриш учун махсус медицина кичик комиссиясини тузишга қарор қилинди.

Секретариат халқаро комиссиянинг келгусидаги фаолияти, биринчи галда Исроилнинг Ливандаги жиноятлари далилларини тўплаб эълон қилиш соҳасидаги иш масалаларини ҳам кўриб чиқди. Комиссиянинг Никосиядаги биринчи сессиясида қабул этилган ҳужжатларни, шу жумладан исроилик оккупациячиларнинг жиноий кирдикорларини ўз кўзи билан кўрган гувоҳларнинг кўрсатмаларини нашр этиб тарқатиш белгиланди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

▲ БЕРЛИН. Совет илмий-тадқиқот кемаси «Витязь» экспедициясида қатнашган ГДР олимлари Ватанига қайтиб келди. Улар жаҳон океанининг турли районларида гидрология, метеорология ва геохимия соҳасида тадқиқотлар олиб бордилар.

Шу экспедицияда Росток шаҳридаги денгиз илмий-тадқиқот институти билан Фрейберг шаҳридаги кончилик саноати академиясининг коллективлари ГДР олимлари номидан вакил бўлиб қатнашдилар. Улар тадқиқот ишлари чоғида ГДРда яратилган бир қанча илмий приборларни синаб кўрдилар.

▲ БАЙРУТ. Ливан парламентининг раиси К. Ал-Асад бу ерда давлат радиоси орқали гапириб, парламентнинг Ливан янги президентини сайлаш учун бугун ўтказиши мўлжалланган мажлиси хавфсизлик мулоҳазаларига кўра, 23 августгача қолдирилганлигини эълон қилди.

(ТАСС, 19 август).

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ САРИ

Совет Армиясининг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги ҳал қилувчи ғалабалари, Руминия территориясида фашист қўшинларининг тор-мор қилиниши, коммунистлар бошчилигида 1944 йил 23 августдаги қуролли қўзғолоннинг амалга оширилиши мамлакатни фашизм зулмидан озод бўлишига олиб келди. Зафарли қўзғолон румин халқи тарихида янги даврни бошлаб берди. Руминия Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдамига таяниб, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликда тарихий қисқа муддат ичида иқтисодий қолоқликка барҳам бериб, социализмга асос солди ва ривожланган социалистик жамиятни барпо этишга киришди.

Ўтган йиллар мобайнида республика меҳнаткашлари иқтисоди ва ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Мамлакат экономикасида туб ўзгаришлар юз берди. Саноат хўжаликнинг асосий тармоғига айланди. У ҳозир миллий даромаднинг 60 процентдан ортиқроғини бермоқда. Умуман ҳозирги Руминиянинг саноат маҳсулоти урушдан аввалги даврга нисбатан 48 марта ортди. Миллий даромад эса 14 баробар кўпайди. 1950 йилга нисбатан экономикага сарфланган капитал маблағлар умумий ҳажми 36 баравари ташкил этди.

Мамлакатда тамомила янги замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари вужудга келди. Энергетика, металлургия, машинасозлик, химия тез суръатлар билан ўсди.

1979 йилда бўлиб ўтган РКПнинг XII съезди халқ хўжалигини янада юксалтириш, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг янги улкан вазифаларини олдинга сурди.

23 АВГУСТ — РУМИНИЯ ФАШИЗМ ЗУЛМИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН КУН

Бу беш йиллиқда саноатда меҳнат унумдорлиги ҳар йили 7 процентдан ўсиб бориши керак. Натижада у беш йиллик охиригача соф маҳсулот ўсишининг 80 процентини ташкил этиши лозим. Ҳозирги вақтда Социалистик Руминия машинасозлик саноати икки кун ичида бутун мамлакат 1938 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотга тенг маҳсулот бермоқда.

Қишлоқлар қиёфаси ҳам ўзгариб кетди. 1938 йилга нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулоти қариб уч марта ортди. Бу йилнинг ўзида уни 6—7,9 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Қўлга киритилаётган ютуқларнинг ҳаммаси ўз сафларида 3 миллиондан ортиқ аъзони бирлаштирган Руминия Коммунистик партиясининг катта ташкилотчилик, раҳбарлик фаолияти самарасидир. Социалистик Руминиянинг Варшава Шартномаси ташкилоти доирасида ва ўзаро иқтисодий ёрдам мамлакатлари билан ҳамкорлиги мамлакат халқининг туб ҳаётий манфаатларига хизмат қилмоқда. Биргина мисол. Совет — румин савдо ҳажми ўтган ўттиз йил мобайнида ўн бир марта ортди. СССРнинг техникавий ҳамкорлиги билан Руминияда 120 дан ортиқ муҳим объектлар қуриб берилди. Бу объектларда ҳозир РСР тайёрлаётган электр энергияси, кокс, минерал ўғитларнинг ярмидан ортиғи, синтетик каучукнинг 70 процентдан зиёдроғи, қора металларнинг анчагина қисми ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини бундан буён янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга совет-румин дўстлик жамияти, шунингдек, унинг Тошкент бўлими ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Куни кеча Тошкентда пойтахтимиз жамоатчилигининг румин халқининг миллий байрамига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари қардош мамлакат халқига ривожланган социализм жамияти қурилишида, РКП XII съезди қарорларини бажаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, энг яхши истакларини йўлладилар.

● Бухарестдаги Ғалаба майдонида ҳалоскор совет солдатига ўрнатилган ёдгорлик.

В. Мастюков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“ ҲАФТАЛИГИ

23 — 29 АВГУСТ

23 АВГУСТ, ДУШАНБА

МТ-I. 9.00—«Время». 9.40 — Мультфильм. 9.50 — «Ҳайвонот оламида». 10.50 — Болалар учун фильм. «2-синфда икки йил ўқийдиган Иван Семенов ҳаётидан уч ярим кун». 12.10 — «Менинг уйим шу ерда». Н. Ескалиева иштирокида фильм-концерт. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Ягона оилада». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 — С. Прокофьев. Фортепяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт. 17.00 — «Буратино кўргазмаси». 17.30 — «Ёшлар адреслари». 18.30 — Подольск машинасозлик заводи «Ленок» ҳалқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.45 — «Сиз яратган боғ». 19.15 — «Қувноқ нотачаларр». 19.30 — «Партия планлари — ҳалқ планлари». 20.00 — Руминиянинг миллий байрами — Озодлик кунига. Руминия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. 21.30 — «Время». 22.00 — Катталар учун контроль иш. «Сен». 22.50 — «Дунё воқеалари». 23.05 — П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати С. Стадлер чалади (скрипка).

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 9.50 — «Типратиканлар уруши». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. (БХР). 10.55 — Рус тили. 11.25 — Тбилиси шаҳар «Арагвелеби» вокал ансамбли ижро этади. 11.45—«Фан оламида». 12.15 — «Будильник». 12.45 — Футбол шарҳи. 13.15 — «Мультфильмлар». 13.55 — «Борис Мокроусов тароналари». Фильм-концерт. 15.05—«Доктор Ивенс сукути». Бадиий фильм. 16.20 — Мамлакат телевидение студияси ҳужжатли фильмлари программаси. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Беҳаловат лавозим». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Совет плакати усталари. 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Уядаги қушчалар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 — «Чашмалар». 21.30—«Время». 22.00 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Евузлар». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР). 23.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Черноморец». 2-тайм. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.

ЎзТВ-I. Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Ишқмас ва ялқов Влас воқеаси». Кўғирчоқ фильм. 18.15 — «Усмир ва қонун». 18.45 — «Ёш лик» студияси кўрсатади. «Советский воин». Тележурнал. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Қорақалпоғистон АССР санъат музейи кўргазма залидан репортаж. 20.15 — «Аввали чиройига ҳам сайқал бериб...» Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист З. Ҳакназаров олиб боради. 21.30— Москва. «Время». 22.05 — «Қашқадарё ерининг саҳоватли». 22.15 — «Бугун оламда нима гап?». Ҳалқаро аҳвол кундалиги. 22.30 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион badiий фильм. 7-серия. 23.40 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — Кўрсатувлар программаси. 18.15 — Болалар учун фильм. «Инжик малика». 18.35 — «Чинор». Илмий-оммабоп программа. 19.05 — «Ирмоғингман сенинг Волга». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 — «Ёдгорликларни муҳофаза қилиш — умумхалқ иши». 19.45 — «Лобия». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Романтика» телевизион театри. В. Черних. «Қутлуғ қадам». 1-қисм (такрорий). 21.30 — МТ-II.

24 АВГУСТ, СЕШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.10 — И. Штраус. «Вальслар». 10.55 — «Болани уй ижарага қўйилади». Badiий фильм. 12.15— «Айиқлар йўлда борарди». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Болалар учун фильм. 17.20 — «Юность» хореография ансамблининг чиқиши (Қозон шаҳри). 17.45 — Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-полковниги Г. Ф. Байдуков билан учрашуви. 18.30 — Концерт. 19.00 — «Расмларда кўёш акси бор». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан оламида». 20.00 — «Москва боғлари». Кинолавҳа. 20.10 — «Катта ҳаёт». Badiий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. Колумбиядан олиб кўрсатилади. 23.00 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 9.50 — «Типратиканлар уруши». Кўп серияли телевизион badiий фильм премьераси. 2-серия. (БХР). 10.55—«Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.25 — «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 11.55 — «Палле — дунёда ягона». Мультфильм. 12.15 — Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.45 — Классика сабоқлари. 13.35 — «Доим таяқмиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 14.05 — Л. Бетховен. Учинчи «Қаҳрамонлик» симфонияси. 15.00 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Евузлар». Телевизион badiий фильм. 16.00 — «Уфқ». Ёшларнинг ахлоқий-ҳуқуқий тарбияси ҳақида. 1-кўрсатув (Ленинград). 16.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал. 18.55 — Спорт ҳафталиги. 19.25 — «Театр ва замон». Н. Погодин. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Инсонпарварлик орқали тинчликка». Ҳужжатли фильм. 21.05—РСФСР халқ артисти Р. Ибрагимов совет композиторларининг қўшиқларини ижро этади. 21.30 — «Время». 22.00 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Мисга ўйиб туширилган нақш». Телевизион badiий фильм премьераси. (ЧССР). 23.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист» — «Динамо» (М). 2-тайм. Харьковдан олиб кўрсатилади.

ЎзТВ-I. 11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — «Инсон туғилди». Телевизион фильм. 12.00 — Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий). 12.30— «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион badiий фильм. 7-серия. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 19.00 — «Ўзбекистон энергокурувчилари — беш йилликка». «Узбекэнергострой» трестининг 50 йиллигига. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Шеърият боғи». Ҳужжатли фильм. 20.00 — «Кизлар мушоираси». Кўрсатувни Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Х. Худойбердиева олиб боради. 20.30 — «Ахборот». 20.50. — «Куйла, ёшлигим». Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дефолиация». Мутахассислар маслаҳати. 22.25—«Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион badiий фильм. 8-серия. 23.40 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.05 — Кўрсатувлар программаси. 18.10 — «Саломатлик алифбеси». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 — «Шеърият дафтаридан». 18.50 — «Классик куй саҳифалари». 19.40 — «Арвана — туркманлар туяси». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20— «Романтика». Телевизион театри. В. Черних. «Қутлуғ қадам». 2-қисм (такрорий). 21.30 — МТ-II.

25 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— «Киносаёҳатчилар клуби». 10.40 — «Катта ҳаёт». Badiий фильм. 12.00 — «Усмирлар ижоди». 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Дўстларимиз экрани». Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.40 — Болалар учун фильм. 17.15 — «Горончилар, қаердасиз». 18.00 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чалади (фортепьяно). 18.30 — «Ангарадаги ўрмон химияси гигантлари». 2-кўрсатув. 19.00 — «Тонгги қўшиқ». Мультфильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Рус жилолари» ҳалқ чолғу оркестрининг концерти. 19.55 — «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион badiий фильм премьераси. 1- ва 2-серия. (Бельгия—ГФР). 21.30 — Время. 22.05 — «1982 йил қўшиқлари». 22.50 — «Дунё воқеалари». 23.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида илмий-оммабоп фильмлар программаси.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Типратиканлар уруши». Кўп серияли телевизион badiий фильм премьераси. 3-серия. (БХР). 10.25—Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 10.55 — Кишинёв пионерлар саройи болалар badiий коллективларининг концерти. 11.25 — «Қизим китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилди». 11.55 — Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.25 — «Эстетик тарбия». Инсон ва буюмлар. 12.55—«Ота-оналар, Сизлар учун». 13.25—«Ока дарёси» ёқасидаги уй». «Поленово» музей-чорбоғи ҳақида. 13.50 — Волга Давлат рус халқ хорининг концерти. 14.35 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Мисга ўйиб туширилган нақш». Телевизион badiий фильм. (ЧССР). 15.40 — «Уфқ». Ёшларнинг ахлоқий-ҳуқуқий тарбияси ҳақида. 2-кўрсатув. (Ленинград). 16.35— «Городецк ўйинчоғи». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Н. П. Горбунов. Биографиясига чизгилар». Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — «Кишлоқ янгиликлари». 20.00 — «Ерда, самода ва денгизда». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Ҳалқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — «Майор Земан билан бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Дахшат» телевизион badiий фильм премьераси. (ЧССР).

ЎзТВ-I. 11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — «Артек» табассуми. Болалар учун фильм-концерт. 12.00 — «Том тоғининг қулбаси». Болалар учун телеспектакль. 14.15 — «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион badiий фильм. 8-серия. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Сариқ тумшуқли Пики». Болалар учун мультфильм. 18.20 — «Қизилқумни сахро деб атама». Ҳужжатли фильм. 19.10 — «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». «Ташсельмаш» заводидан репортаж. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Узбекистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси badiий коллективларининг концерти. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Узбекистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси badiий коллективларининг концерти (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — «Биз қандай кийинамиз». 22.25 — «Бугун оламда нима гап?». Ҳалқаро аҳвол кундалиги. 23.40— «Сирли роҳиб». Badiий фильм. 24.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.05 — Кўрсатувлар программаси. 18.10 — «Санъат кўчага чиқмоқда». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.00 — «Она шаҳрим — Тошкентим». 19.30 — «Кириши». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Романтика» телевизион театри. В. Черних. «Қутлуғ қадам». 3-қисм (такрорий). 21.30 — МТ-II.

26 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— Тожикистон ССР «Дўсти» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 10.10 — «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион badiий фильм. 1- ва 2-сериялар. 11.45 — Арманистон ССР Давлат симфоник оркестрининг концерти. 12.35 — Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.20 — Болалар учун қисқа метражли телевизион фильмлар программаси. 17.35 — «Меҳнат шон шуҳрат байроқдорлари». 17.50 — «Шахмат мактаби». 18.20 — СССР халқ артисти Ю. Мазурок куйлайди. 18.45 — «Инсон ва қонун». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Ёз». Кинолавҳа. 19.40 — «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион badiий фильм премьераси. 3- ва 4-сериялар. 21.30 — Время. 22.05 — Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида. 23.05 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Типратиканлар уруши». Кўп серияли телевизион badiий фильм премьераси. 4-серия. (БХР). 10.20—Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 10.50 — «Горончилар, қаердасиз!». 11.35 — «Сиз яратган боғ». 12.05— «Вася Куролесовнинг саргузашти». Мультфильм премьераси. 12.30 — Испан тили. 13.00 — «Шаҳзода Флоризелнинг саргузашти». Телевизион badiий фильм (субтитр билан). 3-серия. 14.05 — Украина ССР «Ятрань» ансамблининг концерти. 14.45 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Дахшат». Телевизион badiий фильм. 15.40— «Уфқ». Ёшларнинг ахлоқий-ҳуқуқий тарбияси ҳақида. 3-кўрсатув. (Ленинград). 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳиндистон артистларининг чиқиши. 19.30 — «О. В.». Химиявий қурол дунёга нимаси билан хавф солади. Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Илиқ сувларда». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 — «Адаби ўқиш». М. Шолохов «Дон ҳикоялари». 21.30 — «Время». 22.05 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Гамбургга борадиган кема». Телевизион badiий фильм премьераси.

ЎзТВ-I. 11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — «Бола иўқолди». Телевизион фильм. 12.00 — «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига». «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма. 12.00 — «Сирли роҳиб». Badiий фильм. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Нўхотполвон», «Тулки Ларискa қандай қилиб хазина излади». Мультфильмлар. 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 — «Янги мактаб формаси». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Юқори сифатли пахта толаси учун». 20.15 — «Сенинг бўёқларинг», «Молдавия». Манзарали фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Озарбайжон телевидениесининг программаси (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — «Чорвачилик—зарбдор фронт». 22.25 — «Озод Ватанимиз — ортсин шон-шуҳратинг!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Озарбайжон телевидениесининг программаси (давоми). Кўрсатув тугагач- Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — «Ҳамиша навқирон шаҳар». Телевизион фильм. 20.20 — «Реклама». 20.30 — «Театр ва замон». 21.30 — МТ-II

27 АВГУСТ, ЖУМА

СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 «П. Аедоницкий қўшиқлари». Фильм-концерт. 10.25 — «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3- ва 4-сериялар. 12.10 — Жаҳон халқларининг ижоди. Вьетнам. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Совет киноси кунига бағишланган кинопрограмма. 16.05 — «Рус тили». 16.35 — Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Заикин чалади (баян). 17.10 — «Сурия араб республикаси парламенти аъзоларининг визити СССРда». Ҳужжатли фильм. 17.30 — «Москва ва москваликлар». 18.00 — «Волгада бир қоя бор». Фильм-концерт. 18.30— «Чарм тўпи клубининг совғини учун. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Бугун — кино куни». СССР Давлат киносининг раиси Ф. Т. Ермаш сўзи. 19.40 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист О. Эрдели ижросида арфа пьесалари. 19.55 — «Севги асираси». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида. Колумбиядан олиб кўрсатилади. 23.05 — «Дунё воқеалари». 23.20 — Чет эл эстрадасининг қўйлари ва оҳанглари.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Типратиканлар уруши». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. (БХР). 10.30 — «Қўлни бер, ўртоқ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 10.50 — «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт учувчи Г. Н. Титов билан учрашуви. 11.35 — «Шахмат мактаби». «Таҳлишинг, шахматлар». 1-кўрсатув. 12.05 — Инглиз тили. 12.35 — «Пшава». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.00 — РСФСР халқ артисти Г. Писаренко концерти. 13.55 — Останкино концерт студиясида ёзувчи В. Астафьев билан учрашув. 15.45 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Гамбургга борадиган кема». Телевизион бадиий фильм премьераси. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Ёз билан хайрлашиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.55 — Алкоголизм ҳақида суҳбатлар. 19.25 — Сув ости спорти бўйича жаҳон чемпионати. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 19.55 — «Шеърлардаги дилга яқин сатрлар». СССР халқ артисти Т. Доронина С. Есенин шеърларидан ўқийди. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Устахонадаги учрашувлар». Телевизион ҳужжатли фильм. СССР халқ рассоми, ҳайкалтарош А. П. Кибальников. 21.15 — «Белгород». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Қотил далада яширинган». Телевизион бадиий фильм премьераси. 23.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати «Торпедо» (Москва) — «Динамо» (Киев). 2-тайм. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.

ЎзТВ-I. 11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун. «Болалигим — гулбаҳор» (такрорий). 12.05 — «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.35 — «Ёз фасли, биз сени унутмаймиз». 13.05 — «Заминдос». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Ивасик Телисик», «Бўри Вова Марсга қандай қилиб парвоз этди». Кўғирчоқ фильмлар. 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомолларимиз». 19.00 — «Ҳаёт қаби тирик». Илмий-оммабоп программа. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми олдидан. «Фан уфқларига». Кўрсатувда Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. Содиков иштирок этади. 20.15 — «Арена — қадрдон диёрим». 20.30—Ахборот. 20.50 — Узбекистонда ва хизмат кўрсатган артист Т. Саъдуллаев ва З. Мадраҳимова концерти. 21.30 — Время. 22.05 — «Дунё воқеалари». 22.35 — Телевиденне экранида биринчи марта. «Касбим — киноактёр». Бадиий фильм. 00.10 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — Кўрсатувлар программаси. 18.15 — «Лайка». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 — «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма. 19.10 — Эстрада куйлари. 20.00 — Янгиликлар. 20.25— И. Тўлаков. «Етти лочин». Адабий композиция. 21.30 — МТ-II

28 АВГУСТ, ШАНБА

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — «Ота-оналар, Сизлар учун». «Болангиз мактабга борганда...». Кўрсатувда СССР Педагогика Фанлари академиясининг вице-президенти А. Г. Хрипкова иштирок этади. 10.10 — «Ростов финифти». Ҳужжатли фильм. 10.20 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 10.50 — «Спортлотонинг 35-тиражи. 11.00 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 11.45 — Марказий телевиденне ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСР халқ артисти Н. Кутузов раҳбарлигидаги рус қўшиқлари хори ижросида О. Ковалёва қўшиқлари. 12.20 — «Совет-лар ва ҳаёт». 12.50 — СССР халқ рассоми А. Милников. 13.20 — «Усимликлар олами». 14.10 — «Учинчи планета сири». Мультфильм премьераси. 15.00 — «Дунё воқеалари». 15.15 — «Москвичка» телевизион клуби. 16.45 — Сибирь шаҳрловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 17.15 — Болалар учун фильм. «Лайлаклар». 17.55 — «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 18.25 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 19.25 — «Балли, қизлар!». 21.30 — Время. 22.05 — «Кинопанорама». 23.45 — Концерт. 00.10 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 10.00 — «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Қотил далага яширинган». Телевизион бадиий фильм. 11.00 — «Тонгги почта» музикали программаси. 11.30— «Киносаёҳатчилар клуби». 12.30 — Сув ости спорти бўйича жаҳон чемпионати. 13.10 —В. Винниченконинг асари асосида телевизион спектакль. 14.40 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 15.25 — Қозон телевидение студиясининг программаси. «Татаристоннинг бугунги, куни». Кинопрограмма. Татаристон АССР санъат усталарининг концерти. 16.25 — Халқаро кўрсатув. 16.40 — «Театр афишаси олдида». 17.45 — Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1956 йил. 18.45 — Музикали киоск. 19.20 — «Қўшимча саволлар». Бадиий фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 —— «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Динамо» (Минск). Ленинграддан олиб кўрсатилади.

ЎзТВ-I. 9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Чиранчик қўёнча». Й. Окунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 11.30 — «Шкид республикаси». Бадиий фильм. 13.10 — «Инсон болаликдан бошланади». 13.40— Шахтёрлар кунига: «Шахтёрлар», «Мовий тоғлар этагидаги шаҳар». Ҳужжатли фильмлар программаси. 14.45 — «Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун». 16.55 — Кўрсатувлар программаси. 17.00 — «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденнеларининг биргаликдаги программаси. 18.00— «Асл дўстлар». Мультфильм. 18.10 — «Сиҳат-саломатлик» илмий-оммабоп программа. 18.45 — «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Кўрсатувда Узбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари Х. Умаров иштирок этади. 20.50 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». Қорақалпоғистон АССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Фарғона области. 21.30 — Время. 22.05 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига «Даврамизга марҳабо». Қорақалпоғистон АССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Фарғона области. (Давоми).

29 АВГУСТ, ЯКШАНБА

ШАХТЁРЛАР КУНИ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— Ереван шаҳар темир йўлчилар Маданият саройи ҳалқ ансамблининг чиқиши. 10.00— «Будильник». 10.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 — «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.15 — «Тонги почта» музикали программаси. 12.45 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.00 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.00— «Музикали киоск». 14.30 — «Инсон. Ер Қойнот». 15.15 — Ҳалқ куйлари. 15.30 — Шахтёрлар кунига. «Талабларингизга биноан учрашувлар». Кўрсатувда СССР Қўмир саноати министри Б. Ф. Братченко, қўмир саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси М. А. Сребний иштирок этадилар. Кўрсатувни снесий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 16.15 — Шахтёрлар кунига бағишланган музикали программа. 17.05 — «Киносаёҳатчилар клуби». 18.05 — Мультфильмлар программаси. 18.30 — «Ҳалқаро панорама». 19.15 — Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида. 3- ва 4-ўринлар учун учрашув. Колумбиядан олиб кўрсатилади. 20.20 — «Майя Плисецкая». Ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 — Время.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

«МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ»

Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятида «Менинг Ўзбекистоним» ижодий конкурсини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Унга республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ёш ижодкорлар ўзлари яратган суратлар, ганчкорлик, ўймакорлик, каштачилик каби иш намуналарини тақдим этишди.

Конкурсда голиб чиққан ўттизга яқин ёшни дипломлар ва доҳиймиз В. И. Ленин қадамжоларига сафар қилиш учун йўлланма билан тақдирланишди. Куни кеча улар ана шу сафардан қайтишди. Болалар саёҳат давомида Краснодрск, Абокан ва Салко-Шушинскда бўлишди. В. И. Ленининг ҳаёти ҳамда революцион фаолияти билан боғлиқ бўлган жойлар, ҳамда тарихий маълумотлар билан яқиндан танишишди, илғор қишлоқлар билан учрашишди.

Бу туристик юриш ёш ижодкорларда катта таассурот қолдирди.

АГИТБРИГАДА ХИЗМАТДА

Оржоникидзе район маданият уйида тузилган агитбригада дала меҳнаткашлари ва йигим-терим мавсумида боғбону сохибкорларга яқиндан ёрдам бераётган шаҳарлик ишчи-хизматчиларга намунали хизмат кўрсатаяпти. Агитколлектив кўчма кутубхона, «Билим» жамияти лекторлари ва маданият уйи бадиий ҳаваскорлик ансамблидан ташкил топган. Шу кунгача улар дала шийпонларида йигирмадан ортиқ концерт намойиш этдилар. Турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштирилди.

«Правда» колхози клубида ташкил этилган дуторчи қизлар ансамбли, «Қизил Ўзбекистон» колхозидаги «Дўстлик тароналари» халқ ансамблари ҳам дала меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатяпти.

МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРГА БОЙИМОҚДА

Оққўрғон районидаги меҳнат ва жанговар шон-шуҳрат музейига кирган кишининг диққатини бу ерга қўйилган турли ноёб экспонатлар ўзига тортади. Ҳақиқатан ҳам ўзбек деҳқонининг узоқ ўтмишдан буён асосий меҳнат қуроли ҳисобланган омоч, бўзчининг дастгоҳи, обдаста, ҳум ёки аждодларимизнинг миллий кийимлари бу ерга келувчиларда қизиқиш уйготмай қўймайди.

Музей илмий ходимлари янги экспонатлар излаб топиш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширишяпти. Жумладан, Оққўрғон шаҳридан ўн километрлар чамаси узоқликдаги Хонқа (Канка) археологик ёдгорлигидан топилган XI ва XII асрларга оид чироқ идиши, шиша бўлаклари ва сопoлдан ишланган қувурлар ҳам музей залидан жой олди.

Келгусида музейни экспонатларга янада бойитиш кўзда тутилмоқда. Археологик ёдгорликдан топилаётган янги ашёлар билан бирга бу ердан қадимий Қўқон арава ҳам ўрин олади.

Қ. КАРИМОВ.

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ тикувчилар маданият саройининг ўзбек халқ рақс ансамбли йилдан-йилга ўз мухлисларининг меҳр-муҳаббатини қозонмоқда. Ҳаваскор санъаткорлар томошабинлар ҳузурида тез-тез концерт программаларини намойиш қилиб турадилар.

Суратда: ансамблнинг рақоса қизлари янги рақс ижро этмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

СТУДЕНТЛАР ҲИММАТИ

Тошкент Давлат медицина институти студентлари ҳар йили Совет тинчлик фондига ёрдам берувчи тадбирларни ўтказиб турадилар. Масалан, бу йил биринчи курс студентлари Совет тинчлик фонди ҳисобига 2 минг сўмдан кўпроқ маблағни ўтказишди.

Яқинда студентлар яна бир ташаббус билан чиқдилар. Институт Совет тинчлик фондига ёрдам берувчи комиссиясининг раиси, техника фанлари доктори, профессор С. Қосимова раҳбарлигида 76 студент Тошкентдаги санитария-техника асбоб-ускуналари заводида ишлаш иштиқёқини билдиришди. Студентлар ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини Совет тинчлик фонди ҳисобига ўтказдилар.

К. РОГАЧЁВ.

ДАМ ОЛУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

ДИЛДАН ЯЙРАБ, ЎЙНА ҚУВНАБ

Бўстонлиқ районидаги Хумсон қишлоғида жойлашган Зоя Космодемьянская номли пионер лагерида бадиий ҳаваскорларнинг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. «Дилдан яйраб, ўйна қувнаб» деб номланган бу тадбирда қўшни «Госбанковец», «Ғунча», «Авиатор», «Ирригатор» лагерларида дам олаётган пионерлар ҳам иштирок этдилар. Оромгоҳ узра дилрабо куй ва қўшиқлар баралла янгради. Ёш санъаткорларнинг ўзига хос бу мусобақасида З. Космодемьянская номли лагерь пионерлари голиб бўлдилар.

Республика мева-сабзавотчилик хўжалиги ва тайёрлов идораси ходимлари касаба союзларига қарашли мазкур оромгоҳда бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда пионерлар хузурига «Хўжакент» совхозининг бир группа ветеранлари меҳмон бўлиб келишди. Моҳир пиллакор, Ленин ордени нишондори Ҳабиба Раҳмонова, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Маҳмуд Иномбобоев, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Тожимбой Муҳиддинов шулар жумласидандир. Меҳмонлар ёшларга хўжалик ва ўзлари босиб ўтган шарафли йўл ҳақида сўзлаб бердилар. Учрашув сўнгида қишлоқ ишлаб чиқариш ветеранлари фахрий пионерликка қабул қилинди лар.

Н. АШУРОВА,
И. ПИРМАТОВ.

ПОЙАБЗАЛЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ АЛОҚАСИ

Самарқанд пойабзал фабрикаси яқинда ишлаб чиқаришга жорий қилган аёллар оёқ-кийими харидорларга манзур бўлаяпти. Пойабзал моделини Тошкент модалар уйи мутахассислари ишлаб чиқишган. Унинг қолипи эса Тошкентдаги экспериментал фурнитура заводида тайёрланган. Янги маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилди.

В. ЖУРАЕВ.

ОТА-ОНА ОРЗУСИ...

«ОИЛА — ГЎЗАЛ ТАБИАТНИНГ ШОҲ АСАРЛАРИДАН БИРИДИР».
Ж. Сантяна.

КЕЛИН кетиб қолди...

Не-не орзу умидлар билан, қувончу энтикишлар билан оққа ўраб, оқ нурдек кириб келган келин энди йўқ... Куни кечаги серфайз, мунаввар, гавжум ховли бирданига ҳувиллади-қўйди...

...Муҳаббат бу хонадонга келин бўлиб тушганда уй юмушларига бироз уқувсизроқ эди. Даставвал ишни нимадан бошлашни билмасди. Бу ҳиколатдан ҳам уни қайнонаси — Хадича хола ҳалос этганди Келиннинг камчиликларидан ҳеч кимга ноликмади, аксинча рўзғор тутишни ўргатди, ўзи бирга қилишди. Муҳаббат ҳам тез кунда рўзғорни қўлга олди-ю, қайнонасини тиндирди-қўйди. Бундан қайнонақайнота ҳам, ўртоғи Содиқжон ҳам хурсанд бўлган эди.

Қандай бахтиёр кунлар эди ўшанда. Энди эса Муҳаббат бу мўъжазгина хонадоннинг бутун файзи-тароватини ўзи билан олиб кетгандек эди.

...— Ўғлим,— деб гап бошлади она бир кун,— хотининг ёшлик қилиб, айтган сўзларидан, ўринсиз ишларидан пушаймон бўлиб ўтирмагандир. Қайтиб келишга, балким, аёллик ғурури йўл қўймаётгандир. Ҳар қалай сен эр кишисан, бориб ҳолидан хабар олсанг бўлармиди, болам.

Эртасига Содиқжон қайнонасининг уйига борди. Муҳаббат билан узоқ гаплашди, тортишди. Турмушга енгил-елпи қарамаслик, ҳамиша кетини ўйлаб иш тутиш лозимлигини ётиги билан тушунтирди, онлани мустаҳкамлаш умиди борлигини айтди.

Бироқ Муҳаббат сўнгги кунларда тамоман ўзгарган эди. У қандайдир бепарво, лоқайд эди. Содиқнинг қуюнлиб айтганлари-ю, кўзларидаги меҳрни, дил розини эътиборга олмади.

Шундан сўнг ҳам Содиқ умидини узмади, Муҳаббатнинг уйига ва ишхонасига кўп марта борди. Келин эса Содиққа кўринмасликка, ўзини ундан олиб қочишга ҳаракат қиларди.

Кўпни кўрган маҳалла активлари қизнинг ота-онасига, келинга панд-насиҳат қилдилар. Муҳаббатнинг ота-онаси эса қизлари билан куёвларининг рўзғорини ажратиш масаласини ўртага қўйдилар, таъна тошлари отилди.

— Муҳаббат, қизим, сиз шуни истасангиз, биз розимиз,— деди андишали қайнота.— Ҳадемай қайнларингизни уйлаймиз, овсинлик бўласиз. Кейин оқ фотиҳа бериб, ўз иззатингиз билан янги уйга кўчирамиз. Биз ҳам сизларнинг сиқилишиб яшашларингизни истамаймиз. Қайнонангизни ёлғизлатиб қўйманг, у сизга суяниб қолган.

Бироқ келин ҳам, унинг ота-онаси ҳам бу сўзларни ҳисобга олмадилар. Ниҳоят Содиқжон онлани тиклаш учун бўлаётган уринишлари беҳудалигини кўриб, ҳар қанча оғир бўлсада, халқ судига ажралиш тўғрисида ариза беришга мажбур бўлди. Шунда ҳам мақсади ажралиш эмас эди. Хотининг инсофга келиши, хатосини тушинишини кутарди.

Ариза тафсилоти билан танишган район халқ суди раисаси Содиқжон билан суҳбатлашди. Йигит ўз ҳаёти, хотини ҳақида ёниб гапирди. Ота-онасининг сўзига кириб ширин турмушидан, эридан юз ўгирган умр йўлдоши шаънига асло қаттиқ гапирмади.

Содиқнинг аризаси Муҳаббатнинг ота-онаси учун бир дастак бўлди. Чунки уларнинг орзуси ушалмабди. Энди бадавлатроқ хонадон билан қуда бўлиб, орзу-ҳавас кўришмоққа қарор қилишибди. Лекин бир тотув оиланинг бузилиши ҳисобига...

Қиз ҳам уларнинг тазйиқи билан ажралишга ариза берди. Эрига кўнгилсизлигини айтди. Содиққон бундай бўлишлигини кутмаганди. У яна суд раисасига мурожаат қилди. Раиса Муҳаббатга насиҳат қилди, оиласини тиклаш учун ҳали имконият борлигини, ажралишга ҳеч қандай асосли сабаб йўқлигини, аччиқ ёки нодонлик устида қилган ишлари учун ҳали кўп пушаймон бўлишини тушунтирди. Уларнинг ўйлаб кўришлари учун тўрт ой муҳлат берилди.

Берилган муддат ҳам наф бермади. Судья Муҳаббатнинг боши берк кўчага кириб қолгани, ота-она орзуси деб ўз бахтидан юз ўгираётгани, бир гапни ўргатиб қўйгандек қайта-қайта такрорлаши тагида сирли маъно борлигини пайқади. Суд мажлисида у ўй можаросини

ОҚИБАТ

айтишга уялдими, ҳар қалай эрига кўнгилсизлиги, энди у оилага қайтмаслигини айтди. Суд ҳайъати 1976 йили 10 февралда ноилож икки ёш ўртасидаги никоҳни бекор қилди.

...Иш вақти тугаган Содиқ негадир уйга борриси келмай овқатланиш учун ошхонага кирди. Тасодифни қарангки, эски қадрдон ўртоғи Ҳикматилланн кўриб қолди. Ҳикматилланнинг ўзи гапирмаганда Содиқ эҳтимол танимасди. Чунки у башанг кийинган, жуда ўзгариб қолибди. Икки ўртоқ қучоқлашиб кўришиб кетишди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ишлари ҳақида гаплашиб ўтиришди. Суҳбат оила мавзуига кўчганда Ҳикматилла шундай деди.— Билим оламиз, илмий иш қиламиз деб бола-чақа қилишни ҳам ўйламабмиз, дўстим.

— Ҳолам бечорани роса қийнабсан-да.

— Ҳа. Оиламлар ҳам «энди бўлди, мен ҳам невара кўрсам дейман, уйимиздан чақалоқнинг овози эшитилмаганига ўттиз йилдан ошди», деб ҳар куни кўз ёши қиладилар. Энди айтганларига кўнмасам бўлмайди. Ўзингчи, болалар нечта бўлди?

Дўстининг саволига Содиқ нима деб жавоб қилишни билмай маъюслик билан ерга қаради.

— Уйланган эдинг шекилли, ё...

— Ҳа, лекин... ажрашганмиз.

— Нега, ахир?!

— Қўй, Ҳикмат. Эски дўстим бор. Уни ёшликдан биламан. Ота-онаси ҳам яхши одамлар. Уларникида кўп бўлганман, тузларини тотиганман. Содиқ кўнглида кири йўқ, софдил йигит. Кеча у билан тасодифан учрашиб қолдим. Мен ўқишлар, ишлар билан бўлиб анчадан бери боролмасдим. Уйланганида ҳам боролмагандим. Кўзимга чеҳраси анча сўлгин кўринди, билсам хотини билан ажрашибди. Хотини эса бадавлатроқ, маълумоти олий кишига турмушга чиқмоқчи эмиш. Дўстим бечора бу гапни эшитиб қай аҳволга тушгани фақат, менга аён. Ҳали ҳам кўнгли хотинида экан, бечоранинг...

Мен бир нарсага ҳайронман, наҳотки ўша ўткинчи ҳавас инсон қадри, севгисидан устун бўлса. Ўша аёл шуларни деб севган кишисидан воз кечса. Ўзга кишига турмушга чиқди ҳам дейлик, у билан бахтли бўларми-кан?! Ўз ёрига вафо қилмаган аёл ўзгага вафо қиладими?!

Бу гаплар қалбига наштардек ботган Муҳаббатнинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

— Бас!... Етар...

Алам ёшлари тўла кўзлари билан Ҳикматиллага бир қайрилиб қаради-да, ўрнидан туриб чопганча кетди.

...Муҳаббат туни билан мижжа қоқмади. Ҳикматилланнинг сўзларини эслаган сари баданларига игна санчилгандек тўлгонарди. Аламли кўнгли не ҳаёллар кўчасига кириб чиқмади, бу кеча Бу тўқнашувга чидай олмай ҳатто ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлди. Унинг тупи билан чеккан азобига фақат аччиқ-аччиқ кўз ёшларигина гувоҳ бўлди. Содиқни кўп ўйлади. Унинг маъюс, ғамгин чеҳраси кўз олдига келди. «Ахир унда нима гуноҳ. Мен эмасми уни шу кўйга солган? Мен эмасми ота-она орзуси деб, енгил ҳаётни ўйлаб ундан воз кечган?»

Ҳикматилланнинг «ҳали ҳам кўнгли хотинида экан» деганн Муҳаббатни шундай қарорга олиб келдики, у ҳатто ота-онаси билан ҳам маслаҳатлашмай эртаси куни ўз тақдирини ҳал этиш учун тўғри халқ судига борди. Ўз қилмишларидан пушаймонлигини, оилавий турмушни яна тиклаш истаги борлигини айтиб ёрдам сўради.

Раиса опа бахтини қўлдан чиқараёзган қизнинг сўзларини тинглар экан, ҳаёлига «турмушлари қайта изга тушармикин, бир-бирларини кечиришармикан» деган саволлар келди. Опа Содиқ билан ҳам суҳбатлашди. Икки ёшнинг қалбига қулоқ солди. Уларга ҳам она, ҳам судья сифатида маслаҳатлар берди.

...Оила қайта тикланди. Муҳаббатхон қайнота-қайнонасидан, ёстиқдошидан ўйлаб ўйлаган қилмиши учун кечирим сўради. Аммо даргетган кўнгил шишаси пайвандланган бўлса-да, ногаҳон бўлиб ўтган воқеалар эсга тушса, Муҳаббат ҳам, Содиқ ҳам изтироб чекадилар. Шунинг учун бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қиладилар.

Октябрь район халқ судининг раисаси Роза Муртазина иш фаолиятида бундай ҳаётий воқеалар кўп учраган. Раиса ёш оилаларни тиклашда, уларнинг турмушларини тўғри изга солишда ўзининг қимматли маслаҳатларини берган. Унинг ўгиллари, невералари жуда кўп. Биз билан суҳбатда опа Муҳаббатни қизим, Содиққонни ўғлим деди. Оилавий борди-келдилари борлигини айтди. Ўз навбатида улар ҳам адашган икки ёшни яна топиштирган собиқ суд раисаси, ҳозир пенсионер Роза опадан бир умр миннатдорлар.

* * *

Ҳадича ая яна икки ўглини уйлади. Келинлари бир-бирлари билан жуда аҳил. Катта келини Муҳаббатхон билан Содиқжонлар оиласи яқинда янги уйга кўчиб ўтди. Ҳозир улар Халқлар дўстлиги проспектидаги уйлардан бирида истиқомат қилишади. Содиқжон «Ташпромстрой»га қарашли автокорхоналардан бирида шофёр. Муҳаббатхон эса савдо соҳасида ишлайди. Икки фарзандлари бор.

Муҳтарам газетхон, ушбу воқеанинг сабабчилари илтимосларига кўра уларнинг исмларини ўзгартирдик. Мақсадимиз: оила қурган ёшлар турмушга енгил ва бефарқ қарамасинлар. бир-бирларининг дилларини арзимаган гаплар билан оғритмасинлар, бахтларини ўз қўллари билан, меҳнатлари билан яратсинлар!..

Зарифа ТОШМУҲАМЕДОВА.

БИЛАСИЗМИ?

ҚАЙСИ МАМЛАКАТ ЧОЙХЎР?

Кишн саломатлиги учун зарур шифобахш ўсимликлардан бири чойдир. Чой бундай 3 минг йиллар муқаддам Хитойда маълум бўлган. Бир афсонада айтилишича, чўпонлар қандайдир яшил дарахтнинг барглариии чайнаган қўй ва эчкилар чақон, дадил бўлиб қолишини, тик қояларга ҳам чарчамай чиқиб кетаверишини пайқаганлар. Ўзлари ҳам бу ўсимликнинг барглариии қуритиб, сувда қайнатиб ича бошлаганлар. IV асрнинг ўрталаригa келиб чой ичиш Хитойда кенг расм бўлди. Хитойда «Ча» сўзи «ёш яproқ» деган маъноии англатади. Шунинг учун ҳам дунёдаги қўпгина тилларга бу сўз ўзгармай ўтган.

Кейинчалик чой Японня ва Осиё халқларига тарқалди. Европада биринчи марта 1517 йилда португаллар, 1610 йилда голландлар чойнинг мазасини татиб кўришган. Айниқса, англияликлар уни жуда ёқтириб қолишди.

●

Россияда чой илк бор 1638 йилда пайдо бўлди. Ўшанда мўғул хони Олтинхон рус подшосига совғалар билан бирга тўрт пуд қуритилган чой яproғи юборган эди. Кўп ўтмай чой ичиш Россияда ҳам кенг тарқалди.

Чой ўсимлиги бугунги кунда деярли барча қитъаларда ўстирилади. Энг йирик чой ишлаб чқарувчи мамлакатлар Ҳиндистон, Шри Ланка, Индонезия, Покистон, Япония, Вьетнам ва Туркиядир.

Энг кўп чой ичадиган мамлакат Англия ҳисобланади. У ерда йилига жон бошига 4 минг 500 граммдан чой тўғри келади. Канадада жон бошига 1270 грамм, Голландияда 770 грамм, Миср Араб Республикасида — 680 грамм, Японияда — 680 грамм, Ливияда — 455, АҚШда—430 грамм, СССРда — 311 грамм, Ҳиндистонда — 290 грамм, Покистонда — 160 грамм, Хитойда—130 граммдан чой тўғри келади.

Чой таниН моддасига бой. Қора чойда таниН миқдори 12—16 процент, кўк чойда 25 процентгача, кристалл ҳолидаги чойда 40 процентгача бўлади. Чой ўзида 32 та хушбўй ҳидли бирикмани жамлаган ифори мойи ҳосил қилади.

●

Сомали халқи чой ичишни жуда севади. Шуниси қизиқки, ҳамма жойда — йўл ёқалари ,катта дарахтлар тагида, шаҳарнинг деярли ҳамма кўчаларида чойхоналар бор.

Чой дамлаш ҳам сомали халқининг ўзига хосдир. Чой ичиладиган идиш — коббнинг ҳар бирига икки чой қошиқдан шакар, оғиз бўшлиғини ловуллатувчи, ҳид берувчи, мурчсимон аччиқ нарсалар, шунингдек, ўсимлик барглариДан тайёрланган қуруқ чой ва сут солинади. Бу усулда дамланган чой ранги худди кофега ўхшайди. Чойнинг мазаси, ҳиди ҳам ўзгача. Уни ичаётганда оғиз бўшлиғи ловуллайди, димоққа хушбўй ҳид урилади. Бир оздан сўнг киши қалампир егандек бўлиб оғзи ва ошқозони ачишади, лекин бу унча оғир кечмайди. Ана шундай чойдан бир стакан ичган киши узоқ вақтгача чанқамайди ва у меъдани икки-уч соат тўқ тутади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети
ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
31-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ўқув йилига
15, 16, 17 ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР, ШУНИНГДЕК СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАНЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспорти учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди:

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛОВЧИ (қўл аппаратида), токарь. Ўқиш муддати — 6 ой. Ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади. Машғулотлар группалар тўлганидан сўнг бошланади;

ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ, ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВЛАР РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати — бир йил (10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ҳар ойда 30 сўм стипендия берилади);

ЭЛЕКТРОВОЗ МАШИНИСТИНИНГ ЁРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИНИНГ ЁРДАМЧИСИ. Ўқиш муддати — 1,5 йил (10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун). Ҳар ойда 30 сўм стипендия берилади;

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати — 2 йил (Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади, ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади);

Электровоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз машинистининг ёрдамчиси, электр жиҳозларини, электровозларни, тепловозларни ремонт қилувчи слесарь-электрик; ҳаракатдаги составни, электровозларни, тепловозларни ремонт қилувчи слесарь; токарь, программали бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати — 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни битирган ўқувчиларга ўрта маълумот ва эгаллаган ихтисослиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга имтиёзли шартларда олий ўқув юртига кириш ҳуқуқи берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Қабул қилинганлар ҳар куни 3 марта бепул овқат ва формали кийим блан таъминланади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимларига берилган барча имтиёзлардан, шу жумладан Совет Иттифокининг истаган пунктига бир марта бепул билет олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан ва ота-оналарининг иш жойидан справка, характеристика, ариза, таржимаи ҳоли, 8 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма) ёки эмланганлиги ҳақида справка.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним массиви, (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 8, 48, 80-экспресс автобусларнинг «Қозонхона» бекати). Справкалар учун телефон 96-34-90.

Телевидение

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — «Альтчилар ансамбли ижро этади». Фильм-концерт. 9.50 — «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 10.20 — «Спортлото»нинг 34-тиражи. 10.30 — «Ўқираётган хайвонга муҳаббат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.35 —«Оталар, Сизлар учун». 12.05 — Совет қўшиқларидан концерт. 12.30 — «Ёзувчи ва ҳозирги давр». 13.25 — Жаҳон халқлари ижоди. 13.55 — «Ҳаётга йўлланма». 14.40 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 15.05 — Дунё ҳоҳеалари. 15.20 — Болалар учун фильм. «Муюлишда нима бор?» 1 ва 2-серия. 17.25 — «Менинг уйим шу ерда». Фильм-концерт премьераси. 17.55 — Ҳайвонот оламида. 18.55 —Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.25 — Мультфильмлар программаси. 20.10 — Давлат эстрада театрида Дин Рид билан учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — «Галатея». Фильм-балет. 23.00 — «Эртаксимон дельта». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — «Асли болаликдан». В. Крапивин. 10.05 — «Тоигги почта» музикали программаси. 10.35 —Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.05 — М. Мусоргский, А. Бородин операларидан парчалар. 11.55 —Кукриникслар асарлари кўргазмаси. 12.20 — «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 14.30 — «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». 16.00 — Латвия ССРда хизмат кўрсатган артист М. Виллерушчалади. 16.15 — Омск телевидение студиясининг программаси. 17.15 — А. Твардовский. Поэмалар. 17.45 —«Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 18.30 — Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1954 йил. 19.25 — Музикали киоск. 19.55 — Халқаро обзор. 20.10 — «Айсберглар қаерга қайтиб келишмайди». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — «Фоменко қаерга йўқолди». Телевизион бадиий фильм премьераси. 23.15 — Спорт программаси: 1. Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. 2. Регби бўйича СССР чемпионати. Гагарин номидаги Харбий Ҳаво академияси — «Слава».

ЎзТВ-I. 9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қизлар даврасн». 11.20 — Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 11.50 — «Оловли йўлдар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 12.55 — «Бошқариш ва хўжалик юритиш мактаби». Касаба союзларининг Озиқ-овқат программасини бажаришдаги иштироки ҳақида. 13.25 — «Кинорежиссёр почтасидан». 14.05 — «Партия ва халқнинг содиқ фарзанди». К. Бауман туғилган куннинг 90 йиллигига. 14.20 — «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Мен, сен ва мультик». 18.40—«Ёзувчилар — болаларга». Жани Родари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга мархабо!». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Хоразм области. 21.30 — Время. 22.05 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга мархабо!». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Хоразм области. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

...Ха, ха, ха!.. Қандайдир бир эси паст бизга ташаккурнома ёзиб кетибди.

— Фермага тегишлисини ташладим, энди уйимга ҳайда!..

— Н-нега бақирас-с-с?! Синдирган бўлсам, м-мана улаб қўй-дим-ку?!

— Даданг нега кўринмайди, Рўзиқул?!

— Мана бу шиша ларни «йиқитаман» деб ўзлари «қулаб» қолдилар.

А. Холиқов чизган суратлар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048; 325354, партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325847; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325643; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 06500 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1668.